




# НУҚУ

1997-йил 27-avgustdan chiqa boshlagan

www.huquq.uz

2020-Ҳ. 8-ОКТАБР, №40 (1237)



## САВОДСИЗЛИКДАН САҚЛАЙДИГАН ОЗУҚА

Афсуски, биз кейинги йилларда «мажбурий обуна» баҳонасида ихтиёрий обунани ҳам йўқ қилдик... Шундай аянчли ҳолга келдикки, ҳатто айрим раҳбарлар газета ўқимаслиги билан мақтанадиган бўдилар.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

6-БЕТ

MUNOSABAT

## ОҒРИҚЛИ НУҚТАГА ЭЪТИБОР

Йил давомида тахририятимизга обуна масаласида кўплаб мурожаатлар бўлади. Аксариятининг мазмуни шундай: «Хуқуқ»қа обуна бўлгандик, лекин газета келмаяпти», «Бизни газетангизга ишхонамиздан обуна қилишган, бироқ ҳанузгача ҳеч бир сони етказилмади...».

Афсуски, фуқаролар биргина «Хуқуқ» газетаси эмас, бошқа газета ва журналларнинг ҳам вақтида ёки умуман етказилмаётганига тахририятларни айбдор деб билади. Ваҳоланки, тахририятлар пандемия тўғрисида жорий қилинган карантин даврида ҳам обуначилар олдида қарз бўлиб қолишни хохламай, газета ва журналларнинг ҳар сонини нашр этиб туришди. Демак, обуначиларнинг эътирозига тахририятлар эмас, нашрларни етказиб беришни зиммасига олиб, бунинг ҳақини олдиндан олган почта ва бошқа матбуот тарқатувчи корхоналар сабаб бўлмоқда.

Давоми 2-бетда



JARAYON

## МАСЪУЛЛАРГА ТОПШИРИҚЛАР БЕРИЛДИ

Республика ишчи гуруҳи томонидан Якқасарой туманида аҳолининг долзарб муаммоларини аниқлаш, уларнинг ечимини топиш ва ижобий ҳал этиш юзасидан ўрганиш ишлари олиб борилди.

Республика ишчи гуруҳи штабида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг биринчи ўринбосари Абдухалим Холмаҳматов раҳбарлигида йиғилиш ўтказилди.

Йиғилишда секторлар бўйича ташкил қилинган 21 та кичик ишчи гуруҳлари 260 та хонадонни уйма-уй юриб, 25 та муаммоли масалани аниқлагани ва 15 таси ҳал этилгани, шунингдек, 464 та ижтимоий ва бошқа объектларда ўрганишлар ўтказилиб, 279 тасида муаммолар аниқлангани ва 196 таси ҳал этилгани қайд этилди.

Қолган камчилик ва муаммоли масалалар бўйича секторлар кесимида, ҳар бир объект ва хонадон бўйича аниқ муддатлар кўрсатилган амалий тадбирлар ишлаб чиқиши ва уларнинг ижросини қатъий назоратта олиш бўйича аниқ топшириқлар берилди.

Қайд этилган масалалар бўйича сектор раҳбарлари ва ишчи гуруҳ вакилларининг ҳисоботлари тингланб, муҳокама қилинди.

Йиғилиш якунида аниқланган камчиликларни бар-тараф этиш ва муаммоли масалаларни ҳал этиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Бош прокуратуранинг жамоатчилик билан алоқалар ва ҳуқуқий ахборот бўлими



2020 йил 7 октябрь  
соат 17:00 ҳолатига



Касалланганлар  
59 697 нафар



Соғайганлар  
56 460 нафар



Вафот этганлар  
492 нафар

# ОҒРИҚЛИ НУҚТАГА ЭЪТИБОР

Давоми.  
Бошланиши 1-бетда

Газетамиз бу мавзунини ўтган йили икки марта кўтариб чиқиб, почта тизимидаги муаммоларга тўхталган эди. Хусусан, «Хукук» газетасининг 2019 йил 28 февраль сонидида «Почтанинги кўрган борми?» ҳамда 18 апрель сонидида эса «Почтага эътироз билдирилмоқда» сарлавҳали мақолалар чоп этилган. Уларда почта тизimini такомиллаштириш, мавкени ошириш лозимлиги таъкидланган эди.

Орадан ўтган бир йилдан ошдик вақт мобайнида почта, матбуот тарқатиш тизимлари ривожланиш ўрнига бутунлай издан чиқиб кетди. Шунинг учун ҳам давлатимиз раҳбари 2020 йилнинг 5 октябрь куни миллий почта тизimini ислох қилиш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.

Таъкидланишича, «Ўзбекистон почтаси» АЖ тизимида мамлакатимизнинг барча ҳудудларини камраб олган 2 мингдан зиёд бўлинма, 7 минг ходим бор. Лекин йиллар давомида эътибор берилмагани оқибатида халқнинг почта хизматидаги ишончи пасайиб кетди.

операторлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, қўшимча хизматларни тақдим этиш орқали почта бўлимлари даромадини ошириш мумкинлиги айтилди.

Масалан, ҳозирги кунда электрон савдо ривожланмоқда. Интернет орқали сотиб олинган товарни эгасига етказиб беришга доим талаб бор. Қолаверса, юртимизга кириб келган халқаро ташувчи компанияларнинг ҳудудларда филиаллари йўқ. Бу имкониятлардан оқилона фойдаланиб, почта жўнатмалари ва маҳсулотларни яқиний манзилга етказиб беришни йўлга қўйиш яхши самара беради.

— Почта соҳасидаги энг асосий вазифа одамларнинг оғирини енгил, узогини яқин қилишдир, — деди Президент.

Йиғилишда яқиний манзилга етказиш тизimini туманларда тажрибадан ўтказиб, келгуси йил 1 мартдан вилоят марказларида, 1 июлдан мамлакат бўйича жорий этиш белгиланди. Бунинг учун жўнатмаларни қабул қилиш, саралаш ва онлайн кузатиш имконини берувчи автоматлашган ахборот тизimini ишга тушириш кераклиги таъкидланди.

Шунингдек, йил охиригача миллий онлайн савдо майдони-


дават хизмати кўрсатишни ташкил этиш бўйича топшириқ берилди.

Сўнгги тўрт йилда «Ўзбекистон почтаси» АЖ томонидан матбуот тарқатиш ҳамда 3 баробар камайиб, унинг матбуот тарқатишдаги улуши 13 фоизга тушиб қолган.

Мутасаддиларга босма нашрларни қўллаб-қувватлаш учун матбуот тарқатиш тизimini ривожлантириш, даврий нашрларга онлайн обуна хизматини йўлга қўйиш муҳимлиги таъкидланди.

Янги почта хизматларини йўлга қўйиш учун ходимларни қайта тайёрлаш, почта биносини давлат-хусусий шериклик асосида тадбиркорлар билан бирга ишлаштириш масалаларига ҳам эътибор қаратилди.

Замон ўзгараётти, кун, ҳатто ҳар дақиқада содир бўлаётган воқеалардан одамлар батафсил хабардор бўлишга иштиёқманд. Бу даврда ахборот тарқатувчи ҳар қандай воситалар, у босма бўладими, электронни, ижтимоий тармоқ ёки телефон, ҳуллас, жиддий рақобатга киришиш зарурлигини ҳаёт тақозо этаётти. Бир пайтларги газеталар эрталабки нонушта пайти кўлимизга етиб келган. Ишга, ўқишга ке-



Хусусан, сўнгги ўн беш йилда 1300 та почта бўлинмаси ёпилган. Ўтган йили хориждан келган 6 минг тонна жўнатманинг атиги 10 фоизи, курьерлик хизматининг 30 фоизи миллий почта хиссасига тўғри келган.

Шу бос жойлардаги ахвол ўрганилиб, Осиё тараққиёт банки экспертлари иштирокида почта тизimini ислох қилиш бўйича тақлиф тайёрланди. Йиғилишда ушбу чора-тадбирлар Сергели, Янгикўрғон ва Тошкент туманлари почтаси мисолида тақдирот қилинди.

Давлатимиз раҳбари почта тизimini ривожлантириш учун уни даромад келтирадиган соҳага айлантириш зарурлигини таъкидлади. Хусусий

ни жорий этиш бўйича топшириқ берилди. Бу тизим орқали тадбиркорлар ишлаб чиқарган маҳсулотини республика бўйича савдога чиқаради, миллий оператор уларни манзилга етказиб беради. Бунда «Ўзбекистон почтаси» харидор ва соғувчи ўртасида кафил бўлади. Шу мақсадда келгуси йили Тошкент шаҳрида логистика марказини ташкил этиш зарурлиги қайд этилди.

Соҳа даромадини таъминлаш учун яна бир манба — унча мураккаб бўлмаган давлат хизматларини почта бўлимларида ҳам йўлга қўйиш. Шу нуқтага назардан, «Ўзбекистон почтаси» АЖнинг олис ҳудудлардаги 300 та бўлинмасида 13 хил

тишдан аввал газета варақлаб турли янгиликлардан воқиф бўлар эдик. Балки почта тизимидаги ислохотлар мана шу завқли оларни газетхонларга қайтарар.

Ақсарият хориз давлатларидан интернетдаги олди-кочди янгиликлар одамларни бездириб қўйган. Бизда ҳам шундай ҳолат такрорланишига шубҳа йўқ. Агар босма нашрлар обуначилар қўлига вақтида етиб борса, одамлар электрон ахборотдан безиб, яна босма нашрлар мутолаасига қайтишлари муқаррар.

Камолитдин АСҚАРОВ,  
«Нидо»



JARAYON

## ОДАМЛАР ҚАЧОН РОЗИ БЎЛАДИ?!

Халқ манфаати учун хизмат қилиш барча давлат органлари ва мансабдорларнинг асосий вазифасидир.

Хозир Президентимизнинг куз-киш мавсумига тайёргарлик бўйича топширинга асосан кенг қўламли тадбирларни амалга ошираётган Республика ишчи гуруҳи ҳам тураржойлар ва ижтимоий объектлар бўйича аҳоли муаммоларини аниқлаш ва ҳал қилиш чораларини кўрмоқда. Бу йўналишда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси Харбий прокурори генерал-майор Ш.Узаков раҳбарлигидаги ишчи гуруҳ 30 сентябрдан буён пойтахт тизimini Сергели туманида иш олиб бормоқда.

Хусусан, жорий йилнинг 5-6 октябрь кунлари ишчи гуруҳ Сергели туманидаги ўрганишларини давом эттирди.

Маълум бўлишича, Спутник-2 мавзеси Виктор маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудиди 1966 йилда қурилган икки қаватли 9, 13, 39, 43 ва 44-рақамли ёғоч-азбест уйлар эскириб абгор холга келган ҳамда бинолар ёнгин хавфсизлиги метёрларига зид. Икки қаватли 9-уйнинг 2011 йилда ёнгин содир бўлган иккинчи қавати охир-оқибатда бузиб ташланган бўлса, 39 ва 43-уйлар пойдевори чўккан ҳамда уйлар бир тарафга оғиб қолган бўлиб, оғиш давом этмоқда.

“Виктор” МФЙга ажратилган бир қаватли ёғочдан қурилган бинода иссиқлик тизими мавжуд эмас, устига устак бино эски ва ёнгин хавфсизлиги қондаларига жавоб бермайди.

Тумандаги 1966 йилда ёғочдан қурилган, бир қаватли, ҳар бири 90 ўриндан иборат 351 ва 354-сонли болалар боғчаларининг бинолари маънан эскирган ҳамда ҳозирги замон талабларига мос келмайди.

“Ёрқин ҳаёт” МФЙ Қипчоқ кўчасида кўп қаватли уйлар орқа томонидаги 2 гектарли, Нилуфар маҳалласи ҳудудиди 50 сотихли ва Халқобод маҳалласи ҳудудиди ушбу МФЙ биноси орқа тарафиди 50 сотихли ер майдонлари

фойдаланилмасдан бўш ётибди.

“Халқобод” МФЙ ҳудудиди 297-сонли МТТ 2015 йилда капитал таъмирдан чиққан бўлсада, ертўласидаги оқава сув тизими таъмирланмагани боис эскирган қувурлар ёрилиб, ертўла сув ва чиқиндида тўлган.

51 ва 51А-рақамли умумий ётоқхоналарда иссиқ сув босими пастлиги, шунингдек, 2019 йилда қурилиб фойдаланишига топширилган Сергели-3 мавзесидаги 22-уйнинг тоmidан сув ўтиши (масалан 41-хонадон) ёки худди шу каби Орият МФЙ ҳудудиди 77-уйнинг ертўласидаги қувурлар ёрилиб, ертўла сувга тўлгани ёки бўлмаса Халқобод ва Қўшқўрғон МФЙлар ўртасидаги йўлда (36 ва 38-рақамли кўп қаватли уйлар оралиги) бир ой аввал қазиб ишлари олиб борилиб, иссиқ сув қувури ётқизилган бўлсада, ҳозиргача кўмилмагани ушбу уйларда яшовчиларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда.

Ўрганишлар давом этар экан, ишчи гуруҳ раҳбари томонидан юқоридаги каби камчилик ва муаммоларни ижобий ҳал қилиш юзасидан зарур муддатлар белгиланган ҳолда сектор раҳбарларига тезкор топшириқлар берилди.

Шундай қилиб, ўрганишлар даврида 277 та хонадон, 1102 та ижтимоий соҳа объектлари ва бошқа объектлар ўрганилиб, 184 та муаммо ижобий ҳал этилди.

Ёнгин хавфсизлиги талабларига риоя қилинишини таъминлаш борасида 201 та объект раҳбари (вакиллари) билан профилактик суҳбатлар ўтказилди ва 205 та профилактик тадбир амалга оширилди.

Авалги йилларда аниқланган муаммолар бартараф этилиши аҳоли юзасидан 58 та хонадон ва 63 та объект назорат тартибиди қайта ўрганилди.

Алишер ҚУРБОНОВ,  
Республика ҳарбий прокурорининг ёрдамчиси

# НАМАНГАНДАГИ ФОЖИА

Бир ҳафтадирки, Наманганда ўзини ёқиб юборган аёл ҳақидаги шов-шувлар ижтимоий тармоқларни портлатаяпти.

**Х**ўш, аслида фожиа қандай Хўш берди? Аёл нега ўзига ўт кўйди?!

Айнан шу каби саволларга ойдинлик киритиш мақсадида журналистлар учун брифинг ташкил этилди. Унга Бош прокуратура ҳузурдаги МИБ Наманган вилояти бошқармаси масъуллари бош-қош бўлди.

Маълум бўлишича, Наманган шаҳрида яшаган 35 ёшли Гуландом Дадабоева 2020 йил 29 сентябрь кuni ижро ҳаракатларини олиб бораётган МИБ ходимларига ўз норозилигини билдириш мақсадида устига бензин сепаиб, ўз жонига қасд қилган.

Афсуски, аёл фирибгарлик курбони бўлган.

МИБ Наманган шаҳар бўлимидаги ҳужжатларга кўра фуқаролик ишлари бўйича Наманган туманлараро судининг 2019 йил 8 октябрдаги ҳал қилув қароридан ундирувчи А.Ж. фойдасига жавобгар – марҳумнинг онаси Муҳаббат Дадабоева ва унинг оила аъзоларини икки ярим йил аввал сотиб олган уйдан мажбурий тартибда кўчириш белгиланган.

«Мажбурий ижро органлари ходимлари суд ва бошқа органлар ҳужжатларининг ижросини таъминлайди, уларни муҳофама қилмайди, – дейилади МИБ вилоят бошқармаси матбуот хизмати тақдим этган маълумотда. – Бирок бугунга қадар қарздорларга суд қарорларини ихтиёрий бажариш учун ҳақиқий аҳволдан келиб чиқиб шароит яратиб келинган, инсонпарварлик нуқтаи назаридан ёндашишга ҳаракат қилинган.

Жумладан, Муҳаббат Дадабоевани уйдан чиқариш бўйича ҳаракатлар ҳам турли сабаблар билан уч марта тўхтатилган. Қолаверса, мазкур ҳужжат бюронинг Наманган шаҳар бўлимига 2019 йил ноябрь ойида келиб тушган бўлиб, ижрочилар жавобгарнинг уйига уч марта

боришган, ўз ихтиёри билан суд қарорини бажаришга чақирилган.

Табийки, суд қарори бўйича қимдир жавобгар, иккинчи томон ундирувчи бўлади. Ушбу ижро иши бўйича ҳам ундирувчи А.Ж. томонидан суд қарори бажарилмаётгани ҳақида кўплаб эътирозлар билдирилган.

Албатта, нима бўлганида ҳам вазият бу даражага етиб бормаслиги керак эди, бундан афсусдамиз. Марҳумнинг оила аъзоларига ҳамдардлик билдирамин. Айбдорлар эса қонуний жавобгарликка тортилади».

МИБ Наманган вилояти матбуот хизмати тақдим этган маълумотларга кўра фуқаролик ишлари бўйича Наманган туманлараро судининг 2019 йил 8 октябрдаги ҳал қилув қароридан ундирувчи А.Ж. фойдасига жавобгар Муҳаббат Дадабоева ҳамда унинг оила аъзолари билан Наманган шаҳар Истикбол маҳалласи 9-Боғи Эрам кўчаси 34-хонадондан мажбурий тартибда кўчириш белгиланган.

Мазкур ҳужжат бюронинг Наманган шаҳар бўлимига шу кунга келиб тушган ва ижро иши юритиш тўғрисида қарор чиқарилиб, унинг нухсаси ҳар икки тарафга юборилган.

М.Дадабоева ва унинг оила аъзоларига ижрочи томонидан низоли уйдан чиқиб кетишлари кераклиги тушунтирилиб, акс ҳолда уларга нисбатан МЖТК-нинг тегишли моддасига асосан жарима солиниши, шунингдек, мажбуран кўчирилиши тўғрисида 2019 йил 12 декабрда огоҳлантириш хати ҳам берилган.

Жавобгар томон давлат ижросисининг оғзаки ва ёзма огоҳлантиришларига қарамай ижро ҳужжати талабларини бажаришдан бўйин товлаб келган. Натижада улар уйдан мажбуран кўчирилиши ҳақида жавобгарнинг ўзи ва тегишли ташкилотларга маълум қилинган.



Бирок М.Дадабоева кассация тартибда судга шикоят қилган, юқоридаги қарор ижроси вақтинча тўхтатилган (бу ҳақда суднинг ажрими мавжуд).

Афсуски, М.Дадабоеванинг кассация тартибдаги шикояти рад этилади. Табиийки, яна жараён давом этиб, ижро ҳаракатлари давом эттирилади – қонун талаби шундай!

2020 йилнинг 11 март кuni тегишли ташкилот ходимлари ва холислар билан М.Дадабоева яшаётган хонадонда борилди. Аммо у уйда бўлмагани боис ижро ҳаракатлари кейинга қолдирилади. Кейинроқ карантин талабларидан келиб чиқиб, 15 августга қадар тўхтатилади.

17 сентябрь кuni жавобгар бюронинг Наманган шаҳар бўлимига чақиртирилиб, унга ижро ҳужжати талаблари қайтадан батафсил тушунтирилади. Шунингдек, ижро ҳужжати талабини бажармаслигининг ҳуқуқий оқибати ҳам айтиб ўтирилиб, низоли уйдан ихтиёрий равишда кўчиш таклиф қилинган. Жавобгар томон ихтиёрий равишда кўчиб чиқиб кетмагач, 29 сентябрь кuni уларни мажбуран кўчиришга киришляди.

Манзилга борилганда, жавобгар М.Дадабоева ва унинг 1985 йилда туғилган қизи Гуландом Дадабоева ижрочиларга фаол қаршилик кўрсатишди. Г.Дадабоева устига бензин се-

пиб, ўз жонига қасд қилади. Натижада танасининг 80 фоизи куйган Г.Дадабоева 30 сентябрь кuni РШТЁИМ Наманган филиалида вафот этади.

Мазкур ҳолат юзасидан Наманган шаҳар прокуратураси томонидан жиноят иши кўзга-тилиб, тергов олиб борилмоқда.

Дарвоқе, фирибгарлик курбони бўлган Г.Дадабоеванинг онаси М.Дадабоева мазкур хонадонни бундан икки ярим йил аввал 13000 АҚШ долларига тенг 131 млн. 991 минг 470 сўмга фуқаро Ф.Насриддиновадан сотиб олган.

Ф.Насриддинова бу уйни фирибгарлик йўли билан сотгани, уйнинг ҳақиқий эгаси бошқа шахс бўлгани боис унга нисбатан жиноят иши кўзга-тилиб, мазкур иш 2020 йил 9 июнда жиноят ишлари бўйича Наманган шаҳар судида муҳофама қилинади. Суд ҳукмига кўра айбланувчи Ф.Насриддиновдан М.Дадабоевага 13000 АҚШ долларига тенг бўлган суммани ундириш белгиланган.

Мазкур ижро ҳужжати 27 июнда бюронинг Наманган шаҳар бўлимига келиб тушган ва қарзни ундиришга киришилган. Бирок белгиланган муддатда жавобгар қарзини тўламаган. Унинг мулкни аниқлаш мақсадида тегишли ташкилотларга сўровлар юборилган. Олинган маълумотларга кўра қарздорга

тегишли ҳеч қандай мулк йўқлиги маълум бўлган.

Ҳозир Ф.Насриддинова Наманган шаҳридаги 1-педагогика коллежининг ётоқхонасида яшайди. У моддий зарарни тўлаши ҳақида бир неча марта оғзаки, 18 ва 28 август кунлари эса расман огоҳлантирилган, ундан тушунтириш хатлари олинган.

Барча ҳаракатлар натижасиз, ундириш имконияти бўлмаганда, ижро ҳаракатлари айна пайтда ҳам олиб борилмоқда.

Ҳа, бу фожиа содир бўлмаслиги, икки норасида чирқираб қолмаслиги керак эди.

Бир фирибгар аёл бошқа бир аёлни алдаб, пулини қўлга киритди. Шунча пул буюрмаган чоғи, унинг ҳозирги ҳаётига ҳам хавас қилиб бўлмайди – ётоқхонада кун кечирмоқда.

Энди бу ёғига ҳуқуқий баҳони тегишли органлар беради. Бироқ бу фожиа ҳаммага – уй олди-сотдиси иштирокчиларига (харидор, сотувчи, хатто нотариал идора ходимларига ҳам), давлат ижрочиларига, бу каби ҳолатларга жалб этиладиган ИИБ ва соғлиқни сақлаш тизими вакилларига, шунингдек, маҳалладаги мутасаддиларга сабоқ бўлиши керак.

**Нилуфар НИЁЗОВА,**  
«Нилуфар»

## FAOLIYAT

### ТУЯҚУШ ЙЎҚ, АММО ПУЛИ ҚАЙТАРИЛМОҚДА

**Жиноят ишлари бўйича Миробод тумани судининг 2020 йил 27 июлдаги ҳукмига асосан ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми «б» банди ва бошқа моддалари билан судланган «Straus house» МЧЖ таъсисчиси, «Ezoz tax» МЧЖ ва «CFS tax» МЧЖларнинг мансабдорлари И.Исроилов, А.Махмудалиев, Д.Кутпиддинов ва О.Саидовларнинг жиноят иши бўйича 347 нафар фуқарога 7 млрд. 22 млн. 522 минг 500 сўм ҳамда давлатга 222 млн. 386 минг 43 сўм ундириш ҳақидаги ижро ҳужжати бюронинг Тошкент шаҳар бошқармасига 19 сентябрда келиб тушган.**

Суднинг юқоридаги ҳукми билан С.И.Исроиловга 9 йил, А.Махмудалиевга 7 йил, Д.Кутпиддинов ва О.Саидовга 5 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Шунингдек, суд ҳужжатида мувофиқ ундирув дастлабки тергов даврида хатлаиб ИИБ Тергов департаментининг депозит ҳисобрақамида сақланаётган 1

млрд. 854 млн. сўм пул ҳамда 777 млн. 127 минг 717 сўмга баҳоланган 6 турдаги автотранспортларга қаратилган.

Мажбурий ижро ҳаракатларини амалга ошириш мақсадида Тергов департаментининг депозит ҳисобрақамида сақланаётган 1 млрд. 854 млн. сўм пулни бюронинг Тошкент шаҳар бошқармаси депозит ҳисобрақамига ўтказиш тўғри-

сида 21 сентябрь кuni талабнома берилган.

Ижро ҳужжатида кўрсатилган 347 нафар фуқаронинг 332 нафари Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда истикомат қилиши муносабати билан уларга қулайлик яратиш учун келгусида ундириладиган маблағ ўтказиладиган пластик карталари ҳақидаги аризаларни

яшаш жойидаги МИБ бошқармаларига тақдим этиш юзасидан интернет тармоқлари орқали эълон берилган.

Ижро ҳаракатлари давомида 257 нафар ундирувчининг банкдаги ҳисобрақамига 1 млрд. 466 млн. сўм пул ўтказиб берилган.

Ҳозирги кунда етказилган зарарларни ундириш бўйича мажбурий ижро ҳаракатлари давом этмоқда.

**Асомхўжа МАВЛОН,**  
МИБ Тошкент шаҳар бошқармаси инспектори

«Ўзбекистон почтаси» АЖнинг олис ҳудудлардаги бўлимларида давлат хизматларини кўрсатиш йўлга қўйилади.

# ТЎЛОВЛАР УНДИРИБ БЕРИЛМОҚДА

2020 йилнинг сентябрь ойида ижтимоий тармоқлар орқали биоронинг энергия ресурслари ва қаттиқ маиший чиқиндилар учун тўловларни ундириш соҳасидаги штатлари қисқартирилган ходимлар номидан иш ҳақи ва унга тенглаштирилган кафолатли тўловлар тўланмаётганлиги ҳақида хабарлар тарқатилди.

Ушбу хабарлар ўрганилди. Маълумки, жорий йилнинг 18 июнь кунини давлатимиз раҳбарининг «Табий газ ва электр энергиясини сотиш механизмини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 6010-фармони билан биоронинг электр энергияси, табий газ ва маиший чиқинди учун тўловларни ундириш вазифаси бошқа идораларга ўтказилиши муносабати билан бюро органларидаги маъсул ходимларнинг штат бирликлари қисқарди. Фармон талабларидан келиб чиқиб, ҳудудий бошқармалар томонидан қисқартирилган

ходимлар рўйхати тузилиб, «Худудий электр тармоқлари» АЖ ҳамда «Худудгазтаъминот» АЖга тақдим қилинди. Ҳозир ходимларни таъминотчи корхоналар билан ҳамкорликда иш билан таъминлаш масаласи кўриб чиқилмоқда. Собиқ ходимларнинг барчасига тоvon пули тўлаб берилган. Ҳозир 5 минг нафардан ортиқ собиқ ходим учун иш ҳақи ва унга тенглаштирилган кафолатли тўловларга эҳтиёж борлиги аниқланиб, 30 млрд. сўмдан ортиқ маблағ тўлаб берилди. 2020 йилнинг 2 октябр кунини ижтимоий тармоқларда «Иш билан таъминлашлари-

дан умидни уздик, ҳеч бўлмаса тегишли ҳақимизни ўтказиб беришин» сарлавҳали хабар жойлаштирилди. Ушбу хабар юзасидан биоронинг Қашқадарё вилояти бошқармасидаги 383 нафар собиқ ходим учун 3 млрд. 822 млн 281 минг сўм якуний ҳисоб-китоб пули тўлаб берилди, ҳозир қолган 56 нафар ходимга ҳисобланган 498 млн. 669 минг сўм пул тўлаб берилмаётгани ҳақида расмий муносабат билдирилди. Собиқ ходимларни ишга жойлаштириш, иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар ҳақида тушунтириш бериш юзасидан ҳар бир ҳудудий бош-

қармада маъсул ходимлардан иборат гуруҳлар ташкил этилди. Шунинг таъкидлаш керакки, собиқ ходимларнинг мурожаатларини қабул қилиш, меҳнат қонунчилигига амал қилиниши, иш ҳақи ва бошқа тўловларнинг тўланиши масалалари бўйича

лаштирилган маблағларнинг тўлаб берилмагани ва бу борада қонунбузилишлар мавжудлиги ҳақида мурожаат келиб тушмаган. Ижтимоий тармоқлар орқали шахси очиқланмаган фуқаролар томонидан юқоридаги каби йўлланаётган хабарлар

## Собиқ ходимларга 30 млрд. сўмдан ортиқ маблағ тўлаб берилди.

биоронинг марказий маҳкамасида тузилган гуруҳга мурожаат қилиш мумкин. Ҳақиқатан ҳам кун давомида келиб тушаётган мурожаатларга зудлик билан жавоб қайтариш ва ёрдам кўрсатиш бўйича иш олиб борилмоқда. Бироқ шунинг ҳам айтиш лозимки, ҳозиргача собиқ ходимлардан иш ҳақи ва унга тенг-

доним ҳам асосга эга бўлмастлиги мумкин. Шунинг учун бу борада фуқароларимиз ишчи гуруҳ ёки биоронинг марказий маҳкамасига мурожаат этишлари мақсадга мувофиқ. **Сарварбек ЮНУСОВ,** Бош прокуратура ҳузуридаги МИБ бошқарма бошлиғи

MUNOSABAT

## ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ УНИНГ ТАРҒИБОТИГА ҲАМ БОҒЛИҚ

Фуқаролик жамияти плюралистик, серқирра, ижтимоий таркибига кўра мураккаб жамиятдир. Фуқаролик жамиятининг, айниқса, шаклланаётган фуқаролик жамиятининг ҳуқуқий маданиятини қарор топтириш осон кечмайди.

Тадқиқотчиларнинг фикрича, ҳар қандай мукамал қонун ҳам қонунчиликнинг дастлабки босқичини ташкил этади. Қонунчиликни кишиларнинг қонунга итоаткорлиги ҳаракатга келтиради. Шунинг учун ҳуқуқий ҳулқ-атвор, қонунга итоаткорлик ҳуқуқий маданиятнинг маҳсулидир.

Бугунги кунда давлат органларида қонунга итоаткор шахсни тарбиялаш ва ҳуқуқий билимлар тарғиботида турли усуллардан фойдаланилмоқда.

Айтиш лозимки, қонунга итоаткор шахсни тарбиялаш борасида оммавий ахборот воситаларининг роли ошиб бораёпти. Суд-ҳуқуқ ислохотлари, қонунчиликдаги янгилликларни тезкор ёритиб беришга ихтисослашган таҳлилий теледастурларга эҳтиёж сезилмоқда.

Ҳуқуқий тарғиботнинг самарадорлиги ҳуқуқий ғоя ва қарашларни сингдириш воситаларининг турли-туманлиги, камрови, мақсади билан белгиланади. Ушбу жараённинг бир қатор унсурларидан самарали фойдаланишни ҳаёт тақозо этмоқда. Булар қуйидагилар:

- оиладаги ижтимоий-ҳуқуқий тарбия;
- маҳалладаги ижтимоий-ҳуқуқий муҳит;
- мактабгача таълим муассасалари;
- мактаб ва таълим жараёни;
- олий ўқув юртлири;
- оммавий ахборот воситалари;
- бошқа ташкилотлар.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қонун ҳужжатларини тарқатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қароридан аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва онгини юксалтиришда замонавий ахборот технологияларини кенг қўллаш борасида устувор вазифалар белгилангани ҳам эсдан чиқармаслик лозим.

**Жўрабек РАХМАНОВ,** Урганч тумани прокурорининг ёрдамчиси



## ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА НИМА ГАПЛАР?

Қишлоқ хўжалиги соҳасида қонунлар ижроси устидан назорат фаолиятимиздаги яна бир устувор йўналишлардан биридир.

Ўтказилган тадбирлар давомида фермерларга 610 гектар ер, 2100 тонна минерал ўғит, 1150 тонна ёнилғи ажратилишида, 1,2 млрд. сўм кредит, 830 млн. сўм иш ҳақи, 260 млн. сўм нақд пул олишида ёрдам кўрсатилди.

Ерлар талон-торож қилиниши юзасидан 65 та жиноят иши кўзга тилиб, тергов давомида 1,6 млрд. сўмлик зарарнинг ундирилиши таъминланди.

Самарқанд туманидаги «Исломов Исмат узумзорлари» фермер хўжалиги раҳбари 42 сотих ерни 4 нафар фуқарога 35 минг доллар-

га сотгани юзасидан жиноят иши кўзга тилиди. Бундай мисоллар кўп.

Юзага келган вазиятни инобатга олиб, ҳоқимлик ва бошқа идоралар билан ҳамкорликда ерлар хатловдан ўтказилди ва ноқонуний фойдаланиб келинаётган 1549 гектар ер захирасига сабзавот, 313 гектарига озука ва 30 гектарига бошқа экинлар экилиши таъминланди.

Ушбу йўналишида 1587 та назорат ҳужжати қўлланиб, фермерлар ва давлатнинг манфаатини кўзлаб 16,9 млрд. сўмлик 501 та даъво аризаси киритилди. Ноқонуний қарорларни бекор қилиш тўғрисида 132 та протест келтирилди.

**Рустам ИСЛОМОВ,** Самарқанд вилояти прокуратураси бўлим катта прокурори

## АЁЛЛАРГА ЭЪТИБОР

Фаргона вилояти прокуратураси томонидан хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлашга оид қонун ҳужжатлари ижросига алоҳида эътибор қаратилган. Хотин-қизларга ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатилмоқда.

Хусусан, 288 нафар аёл ишга жойлаштирилди, 147 нафарига 53 млн. сўмлик моддий ёрдам, 9 нафарига даволаниш учун йўлланма берилиши таъминланди. 5 кишига ногиронлик аравачаси олиб берилди. 11 нафар аёлга тadbиркорликни йўлга қўйиш учун 201 млн. 400 минг сўм кредит ажратилди. 19 нафар аёلнинг фарзандлари мактабгача таълим муассасаларига жойлаштирилди, 33 нафар аёлга ҳуқуқий ёрдам кўрсатилди. Жумладан, Фаргона шаҳрида яшовчи М.Аҳмаджонованинг вилоят прокурори ўтказган сайёр қабулдаги муурожаатига асосан уйини таъмирлаш учун қурилиш маҳсулотлари олиб берилди.

Оилавий муносабатларни мустаҳкамлаш, ажримларнинг олдини олиш борасидаги тadbирлар давомида 706 та ажримнинг олди олинган, ноконуний яшаётган оилаларнинг 518 таси қонуний никоҳдан ўтказилган.

Хотин-қизларнинг бандлиги таъминланмоқда. Ишга туширилган 47 та цехда 508 нафар аёл ишли бўлди. Бундан ташқари тadbиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган хотин-қизларга 11 млрд. 200 млн. сўм кредит ажратилди.

Вилоят хотин-қизлар қўмитаси ва унинг туман-шаҳар бўлимлари томонидан жиноятчи аёл ва қизларнинг оилавий шароити уйма-уй юриб ўрганилган. Ўтказилган тadbирлар натижасида 296 нафар хотин-қизнинг оиласи нотинч хонадонлар рўйхатидан чиқарилган. Жазони ижро этиш муассасаларидан қайтган 29 нафар хотин-қиз тиббий кўриқдан ўтказилиб, моддий ёрдам кўрсатилган, 20 нафари ишга жойлаштирилган.

Хотин-қизлар ҳуқуқларига тааллуқли 239 та муурожаатнинг 146 таси вилоят, туман ва шаҳар прокуратуралари томонидан ҳал этилди. Уларнинг 56 таси қаноатлантирилди, 19 нафар хотин-қизнинг бузилган ҳуқуқлари тикланди, 90 та муурожаат бўйича эса тушунтириш берилди. Хусусан, вилоят прокурорининг Дангара туманида ўтказилган сайёр қабулда тadbиркорликни йўлга қўйиш учун кредит олишда ёрдам сўраган М.Маҳмудовага 27 млн. 600 минг сўм, О.Матқуловага 19 млн. 800 минг сўм, С.Ашуровага 18 млн. сўм, С.Кийиковага 8 млн. сўм кредит ажратилиши таъминланди. Шунингдек, Қўқон шаҳрида яшовчи М.Ҳамдамова, Р.Ўлмасова, Н.Бурхонова, Н.Қодированинг 1 млн. 300 минг сўм қарзи хомийлар ҳисобидан тўлаб берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Коронавирус пандемияси ва глобал инкироз ҳолатларининг иқтисодий тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тadbирлар тўғрисида»ги фармонига риоя этилиши назоратга олиниб, қонунбузилишларнинг олдини олиш чоралари кўрилмоқда. Шунингдек, ижтимоий тармоқларда тарқалаётган хабарлар ўрганилиб, муносабат билдириляпти. Хусусан, Қўқонда яшовчи Н.Х.нинг «Телеграм» тармоғи орқали шаҳардаги хусусий клиника раҳбари Х.Н. қарантинга олингани тўғрисидаги хабари ўрганилган. Қўқон шаҳар юқумли касалликлар шифохонасининг маълумотига кўра Х.Н.да коронавирус касаллиги аниқланмаган. Ижтимоий тармоқда ёлғон хабар тарқатган Н.Х.га нисбатан жиноят иши қўзғатилган.

Бу йил хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида аниқланган қонунбузилишларни бартараф этиш хусусида 3 та тақдирнома киритилди, 7 нафар масъул шахс интизомий жавобгарликка тортилди, 26 нафар хотин-қизнинг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

**Комилжон АЛИХОДЖАЕВ,**  
Фаргона вилояти прокуратураси бўлим бошлиғи

# ВАЪДАЛАР ҚЎША-ҚЎША, ВАЗИЯТ ЎША-ЎША

– Менга 10-15 кунга 200 миллион сўм пул бериб турина. Россияга қовун-тарвуз олиб бориб сотаман. Аввалдан қолган қарзимга қўшиб қайтараман...

Адхам таниши Акбар Қаҳҳоровга шундай ваъда берди. Акбар ҳам унга ишониб, бўлиб-бўлиб 155 миллион сўм ҳамда 9500 АҚШ долларини тутказиб юборди.

Аммо қовун-тарвуз экспортининг якунида Адхам қовун туширди, Акбарнинг эса тарвузи қўлтигидан тушди. Чунки экспортчи шоввоз пулни ўз эҳтиёжига ишлатиб, ваъдасини унутиб юборди.

Адхамнинг тузоғига тушган навбатдаги жабрдийда таниши Илҳом Раҳимов бўлди.

– Чироқчининг Чорвадор кишлоғидан Москвага тарвуз олиб бораман, юк машинаси керак. Хизмат ҳақига 3500 доллар бераман...

Яна ваъдалар қўша-қўша, бироқ вазият ўша-ўша бўлди.



Адхам И.Раҳимов раҳбарлик қилаётган Қарши туманидаги «Мирмирон автотранс» МЧЖга тегишли юк машинасида Москвага тарвуз олиб кетди. Юкларни тушириб олгач, ҳайдовчи Қ.Нуриддиновга 2500 доллар берди. Қолган 1000 долларни эса пайсалга солди...

Адхамнинг қариндоши Муқаддас Бекназарова ҳам қандай қилиб алданганини сезмай қолди.

Адхам унинг Россияга қўзини даволатишга кетаётгани, операция учун 10 минг доллар йиғиб қўйганидан хабар топгач, қандай бўлмасин шу пулни ўзлаштириш пайига тушди. Унга қўнғироқ қилиб, авради:

– Бунча пулни Россияга ўзингиз билан олиб кетолмайсиз барибир. Банк орқали жўнатсангиз ҳам каттагина фоиз олиб қолишади. Яхшиси, менга беринг. Россияга қовун олиб кетаёйман. Ҳозир менга пул керак. У ёққа етиб олсам, танишларим орқали бирдан етказаман. Пулингизни беҳавотиргина, тозагина санаб олаверасиз...

Қариндошининг таклифи Муқаддасга ҳам маъқул кўринди. Пулни Адхам юборган одамга қўшқўллаб тутказиб юборди. Бироқ Москвада ҳам, Тошкентга қайганидан сўнг ҳам "хожатбарор" қариндошидан бир тийин ололмади...

Жиноят ишлари бўйича Қарши шаҳар судида Адхам Абдуллаевнинг жиноят иши кўрилди.

Қайд этилишича, Адхам Абдуллаев 1984 йилда туғилган. Маълумоти ўрта-маҳсус, вақтинча ишсиз. Оилали, уч фарзанди бор. Илгари суд ҳукмига кўра унга иш ҳақининг бир қисмини давлат ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 йилу 6 ой муддатга ахлоқ тузатиш иши жазоси тайинланган. Ғузур тумани Совбоғ кишлоғида яшайди.

Судида унинг қирдикорлари бирма-бир таҳлил этилди. Айбига қисман иқроз бўлган Адхам Абдуллаев гувоҳларнинг кўрсатувлари ва бошқа далиллар олдида ожиз қолди...

Суд ҳукм қилди. Адхам Абдуллаев 8 йилга озодликдан маҳрум қилинди. Жабрланувчиларга етказилган зарар ҳам ундан ундириладиган бўлди.

**Убайдулла САЪДУЛЛАЕВ,**  
Қашқадарё вилояти прокурорининг ўринбосари

## ҒУРУРИНИ СОТГАНЛАР

Бу синовли дунёда хом сут эмган банданималар қилмайди дейсиз. Хонқалик опа-сингил С.А. ва У.А. иқтисодий шароитини яхшиликнинг ғайриинсоний усулини ўйлаб топдилар. Улар У.А.нинг тўрт яшар фарзанди Д.ни Урганч шаҳридаги кўп қаватли уйлardan квартира олиб бериш эвазига фуқаро Ф.Р.га сотмоқчи бўлишди.

Ф.Р. кизи бефарзандлигини айтганида опа-сингилларнинг ҳаёлига турли фикрлар келди. Улар дастлаб аёлга туғруқхонадан чақалоқ олиб беришлари мумкинлигини айтишди.

– Йўғ-е, – хайрон бўлди Ф.Р. – Шундай бўлиши мумкинми?

– Ҳа, яқинда ҳеч кими йўғ бир аёл фарзандли бўлибди деб эшитдим, – деб жавоб берди С.А.

Эртаси куни эса С.А. кўнғироқ қилиб, синглисининг тўрт яшар қизини олишни таклиф қилганида, Ф.Р. хушини йўқотаёзди.

– Йўғ-е, синглингиз бунга рози бўлармикан?

– Ўзим кўндирман.

Ҳақиқатан опа синглисини осонгина кўндирди шекилли, эртаси куни Урганч шаҳридан уй олиш нияти борлигини, ушбу уй 130 миллион сўм ту-

ришини, шу пулни берса, қизни унга беришларини айтди. Ф.Р. опа-синглининг ҳаракатларидан хайрон бўлиб, ҳуқуқ-тартибот органларига муурожаат қилди. Орадан бир-икки кун ўтиб, С.А. яна кўнғироқ қилди ва 215 миллион сўмга уй қўришганини, шу уйнинг пулини тўлаб беришни сўрашди. Ф.Р. узил-кесил келишиб олиш мақсадида опа-сингилларни уйига таклиф қилди. Уларга 10 минг АҚШ доллари беришни, рози бўлса қизини олишни билдирди. Опа-сингиллар ўйлаб ўтirmай рози бўлишди. Ф.Р.нинг қистови билан У.А. фарзандини 10 минг долларга сотгани ҳақида тилхат ҳам ёзиб берди. Фарзандини сотган аёл пулни хидлаб ҳам улгурмади. Ҳуқуқ-тартибот органлари вакиллари томонидан қўлга олинди.

Тергов ва суд жараёнида У.А.

кимдир уни иссиқ-совуқ қилганини, шунинг таъсирида боласини сотмоқчи бўлганини айтиб, ўзини оқлашга уринди. Аммо ҳеч қандай баҳона унинг қилмишини оқламаслиги аниқ эди.

С.А. ва У.А. қилмишига яраша жазо олдилар.

Яна бир хонқалик А.Р. ҳам одам савдосига қўл урди. У таниши Ю.Х.ни фоҳишалик қилишга мажбурлаб, бунинг эвазига О.С.дан 500 АҚШ доллари олган вақтида ушланди. Тергов жараёнида А.Р. қирақашлик қилиши, Ю.Х.нинг ожизлигидан фойдаланиб қўрқитиб келгани маълум бўлди. Икки фарзанднинг отаси бўлган инсоннинг жирканч қилмишлар билан шугулланиши ачинарлидир. У энди фарзандларининг юзига қандай қарайди, қандай тарбия беради, одоб-ахлоқли бўлишга қандай даъват қилади?

А.Р. ҳам қилмиши учун қонун олдида жавоб берди.

**Улуғбек КУРЯЗОВ,**  
Хоразм вилояти прокуратураси бўлим катта прокурори

«Ўзбекистон темир йўллари»нинг нархнома тарифи бундан 20 йил олдин ишлаб чиқилган ва ҳозирда уни янгилаш ҳаракатлари олиб бориляпти.

# САВОДСИЗЛИКДАН САҚЛАЙДИГАН ОЗУҚА



«Хуқуқ» газетасининг 2020 йил 24 сентябрь сонида Норбўта Гозиевнинг «Янги тун» юки ехуд профессионал журналистика ва хашаки блогерлик хусусида» сарлавҳали мақоласи чоп этилган. Унда жамиятимизда газета мутолаасининг аҳамияти хусусида, айнан газета ўқиш аҳолининг хуқуқий маданияти ва саводхонлигининг юксалишида муҳим аҳамият касб этиши таъкидланган.

Хар бир инсон дастлабки тарбияни оилада олади. Кейин эса мактабга боради. Жамоада ўзини қандай тутишни ўрганади. Маънавий озуқа олиш, чин инсон бўлиб етишишда газета ва китоб мутолаасининг ўрни бекиёс. Мутолаа инсонни комиллик сари етаклайди, дунёкарашини бойитади, нутқини ўстиради, саводини мустаҳкамлайди.

Бугун биз ахборот асрида яшаёмиз. Шунинг учун одамлар газета ва китоб ўқишдан кўра кўпроқ ижтимоий тармоқлардан фойдаланаётгани сир эмас. Аммо улардаги мақолаларнинг ҳаммаси ҳам юксак даражада деб бўлмайди. Эълон қилинаётган хабар ва мақолаларнинг аксарияти саводсизларча ёзилган. Ёшларимиз шу хатолар ичра улғаймоқда. Оқибатда саводсизлик кучаяпти.

Айни вақтда «Twitter», «Facebook», «Telegram», «Одноклассники», «Viber», «Instagram» каби ижтимоий тармоқлар оммалашган. Мен улардаги хабарларни ўқишдан кўра уларга ёзилган шарҳларни кўпроқ кузатаман. Уларнинг матнига эътибор берсак, имловий хатолар ва турли сўзлар қисқартирилганидан хайратланмасликнинг иложи йўқ. Масалан, «Ассалому алайкум» сўзлари Аа, «Ваалайкум ассалом» эса вала, «нима гаплар» нма гапла, «телефон қилинг» тел к-нг, «нега» не, «ха» хи ёки х тарзида ёзилаётгани саводсизликнинг бир кўриниши эмасми?.. Нутқимизда энг кўп қўлланидиган сўзларнинг бу тарзда қисқартирилиши тўғрими? Бу кетишда сўзлар харфлар билан эмас, тиниш

белгилари-ю турли смайликлар билан ёзилса ажаб эмас.

Бугун бугун дунёда пандемия туфайли мактаблардан тортиб университетларда ҳам дарслар онлайн тарзда ўтилмоқда. Ўқитувчилар ўз ўқувчилари учун ижтимоий тармоқларда гуруҳлар ташкил қилиб, шу орқали вазифа беришмоқда. Ачинарлиси, баъзи ўқитувчилар мана шундай гуруҳлар орқали ўқувчилари билан гаплашаётганда юқоридаги каби қисқартмалардан фойдаланаяпти, сўзларни ёзишда имло хатоларига йўл қўйишаяпти. Қовун қовундан ранг олади деганларидек, уларнинг ўқувчилари келажакда диктант ва иншооларни қандай ёзар экан?

Республикамизда ҳозир бир қанча телеканаллар фаолият юритмоқда. Уларда хар куни кўплаб лавҳалар берилди.

Хатто бир лавҳа узатилаётган пайтда унинг тагида бошқа бир хабар матн шаклида намойиш қилинади. Ёки лавҳани ким тайёрлагани ва тасвирчи қимлиги хақидаги титрлар ҳам экранда пайдо бўлади. Мана шу ёзувларда ҳам кунда бўлмаса ҳам кунора хатоларга гувоҳ бўлаяёмиз. Сабаби айни вақтда техник ходимларнинг аксарияти ёшлар. Ёшларимиз эса афсуски, газета ва китоб ўқимаган. Саводи нимкала.

Тан олишимиз керак, ижтимоий тармоқдаги мулоқотларда сўзларни тўлиқ, тиниш белгиларини тўғри қўйиб ёздиганлар кам. Аслида сўзларни хато ёзиш аввало ўзини хурмат қилмасликнинг белгисидир. Чунки саводсизлик, хато ёзиш ҳаётда одамга доимо пэн беради, шахсни обрўсизлантиради.

Юқоридаги муаммоларга

ечим бўлиши учун яқинда Вазирлар Маҳкамасининг «2020 – 2025 йилларга мўлжалланган китобхонлик маданиятини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш миллий дастури тўғрисида»ги қарори лойихаси муҳокама учун эълон қилинди.

Унга кўра 2020 – 2025 йилларга мўлжалланган китобхонлик маданиятини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш миллий дастури ҳамда дастури 2020 – 2021 йилларда амалга ошириш режаси тасдиқланади. Дастурда китобхонликни ривожлантириш борасида қилинаётган ишларнинг самарадорлигини баҳолаш тизимини ишлаб чиқиш, «Энг яхши китобхон ҳудуд» рейтингини жорий этиш кўзда тутилган. Шунингдек, китобхонлик йўналишида учрайдиган муаммоларни муҳокама қилиб борувчи «Китобхонлар кенгаши» фаолиятини йўлга қўйиш режалаштирилган.

Таълим муассасалари ва худудий кутубхоналарни «Ягона электрон кутубхона» лойихаси асосида бирлаштириш ҳам мақсад қилинган. Хужжатга мувофиқ 2021 йилдан бошлаб хар йили апрель ойининг бошида «Китобхонлик ҳафталиги» ўтказилади.

Шунга монанд корхона ва ташкилотларда, барча таълим муассасаларида ҳафтанинг бир кунини «Мутолаа кунини» сифатида белгилашни таклиф қиламиз. Шу куни ўқувчи ёки талаба ўтган ҳафтада ўкган эртақ, қисса, роман ёки бирор газетада чоп этилган долзарб мавзудаги мақолани ўқувчиси олдида батафсил баён қилиб берса, айни муддао бўларди. Ёшларнинг дунёкараши кенгайиб, ҳаётда бўлаётган янгиликларга теран нигоҳ қилин қарайдиган, турли усуллар билан тарқатилаётган хар ҳил уйдирмаларга ишонмайдиган, аксинча, ўзининг ҳолис ва адолатли фикри билан жавоб қайтаридиган бўлар эди.

Камолитдин АСҚАРОВ,  
«Нуқуқ»

## ЁШЛАР БАНДЛИГИ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган 5 та ташаббус бўйича Қашқадарё вилояти прокурорининг ўринбосари У.Саъдуллаев иштирокида "ПРОКУРОР ВА ЁШЛАР" учрашуви ўтказилди.

Учрашув давомида ёшларни маданият, жисмоний тарбия ва спортга ошно этиш, уларнинг хар бирида ахборот технологияларидан тўғри фойдаланиш кўникмасини шакллантириш бора-

сидаги мулохазалар айтиб ўтилди.

Очик мулоқот тарзида давом этган учрашувда ёшлар ўзларини қизиқтирган саволлар билан мурожаат қилдилар.

Катта таассурот ва кўтаринки кайфиятга бой тарзда ўтган учрашув давомида вилоят Бандлик бош бошқармаси томонидан бўш иш ўринлари ярмаркаси ташкил этилди.

Меҳнат ярмаркасида қатор корхона, муассаса ва ташкилотлар ўзларида мавжуд бўш иш ўринлари билан иштирок этиди ва қўллаб қатнашчиларга ишга жойлаштириш бўйича тегишли йўлланмалар ҳамда меҳнат қонунчилиги борасида хуқуқий маслаҳатлар берилди.

Тадбир якунида ёшларга эсдалик совғалари топширилди.



Куз. Саргайган баргларнинг бир-бир ерга тушиши кишини ўйлантириб қўяди. Хаёлимни «Менга ёрдам берадиган бирор жон борми-йўқми? Қачонгача сенларнинг ёрдамингни кутиб, қийналиб яшашимиз керак? Эшик қоқиб келмагунимизча ёрдам беришни ўйламайсизлар ҳам? Ўзи ҳоким қаерда? Ўтган сафар келганимда менга қўнғироқ қилсин дегандим. Нега қўнғироқ қилмади?» деган овоз буэди. Эракнинг кейинги сўзлари менга эшитилмади.



## «ҲОКИМИНГИЗГА АЙТИНГ, МЕНГА ҚЎНҒИРОҚ ҚИЛСИН!»

Хайрон бўлдим. Шу пайтгача давлат идорасига келиб сўзлашининг ўзига хос этикаси бор деб ўйлар эканман.

– Сиз матбуот котибимисиз? Мен олтинсойлик блогерман. Ҳокимнинг ишлайдими-йўқми ўзи? Ишламаса, кетсин. Нима, у Шўрчининг шўрига бино бўлганми? Туманингизда ҳокимингиз емаган ҳеч каер қолмади-ку. Манглайдан тер оқиб ишлагани учун ҳам қаерга қарамагун муаммо, қаерга қарамагун мурожаат. Уйсиз аёллар қийналиб юрибди. Ишласа тузук ишласин. Бўлмаса республика газеталарининг бирдан журналист қақиртириб, танқидий мақола чиқартираман.

– Яхшимисиз ўзи, бу нима деганингиз? Бироз тушунарлироқ қилиб гапиринг. Муаммога келадиган бўлсак, сизни қийнаётган муаммо нимада? Айтинг, ўрганамиз. Масалага оидийлик киритамиз.

– Сиздан келадиган гап шу-да ўзи. Муаммо бўлса ечамиз дейишдан нари ўтмайсиз. Адвокатликдан бошқа ишни ҳам эпланг-да энди. Ёнингизга икки фарзанди билан эри ҳайдаб юборган аёл боради. Зўр бўлсангиз, шунинг масаласини хал қилиб беринг-чи? Шундан кейин сизни ҳам, ҳокимингизни ҳам тинч қўяман.

– Елкасида шўрчилик аёлларнинг муаммоларини кўтариб юрган олтинсойлик блогер Д.Ш. юборган мурожаатчи аёл эшик қоқиб келди-ю, келганидан ўзи уялди.

– Аслида билиб туриб ноқонуний курган икки хонали уйимиз учун болаларнинг отаси билан судлашиб юрибмиз. Бунда туман ҳокимининг айби йўқ. Барака топсин, пандемия бўлишига қарамай бир неча марта ёрдам берди. Фақат шу суд ишлари бироз чўзилиб кетди-да.

– Опа, олтинсойлик блогерга ҳокимимиздан норози эканлигингизни айтган экансиз?

– Норози эмасман. Нега норози бўлай? Фарзандларим учун моддий ёрдам ва уй қуриб олишим учун тўрт сотих ери берган бўлса. Уй қуришга имкониятим йўқлиги сабабли берилган ерга майда-чуйда экиб, дехқончилик қилаймиз. Суд борасида айтган гапларимни ўша блогер нотўғри талкин қилганга ўхшайди. Ўзи «Ҳокимнинг матбуот котибининг ёнига боринг, сизга ёрдам беради» деганда суд ишларига ҳоким билан матбуот котибининг нима алоқаси бор экан деб хайрон бўлгандим. Синглим, хафа бўлманг. Ўзи охириги пайтларда аёлларнинг гап-сўзларини нотўғри талкин қилиб, интернетга жойлаштирадиганлар кўпайиб кетди.

Ҳеч қачон ҳокимдан норозиман демаганман. Тўғри, ечимни кимгадир боғлиқ бўлган муаммонинг бартараф этилиши бироз мушкул. Шунинг учун ечимини кутаётган муаммолар кўпайиб бораётгани ҳам чин. Гарчи вазирамга кирмаса-да, инсонийлик нуктаи назардан суд раиси билан телефон орқали боғланиб, мурожаат юзасидан суҳбатлашдик. Суҳбатдошим ҳам яхши инсон экан, масалага доир фикрларини билдириш асносида икки норасида фарзанди билан турмушдан ажрашган аёлга имкон қадар ёрдам қилишини айтиб ўтди.

«ҲМ-мм! Ёхши биргина мурожаотни сақина ижабийроқ ечтингиз. Бу билан моқтаймтан дебмайман». Нотаниш рақамдан телефонимга келган бу хабарни зўрга тушуниб олгунимча хабар эгаси қўнғироқ қилди.

– Битта фермернинг ерини ноқонуний равишда олиб қўйган ҳокимингиз зудлик билан ўзига қайтариб берсин. Акс ҳолда бошлаб туриб ижтимоий тармоққа чиқараман. Ўтган галги, эри йўқ аёлга ёрдам берганингиз учун хабаримни ижтимоий тармоқдан ўчирдим. Ери тортиб олинган фермер хақида ёзмай тураман. Агар хал қилмасангиз, ёзиб чиқараман. Айтганча, менинг рақамимни ҳокимингизга беринг, менга қўнғироқ қилсин...

Буниси ҳаммасидан ошиб тушди. Ўқинган-ўқимаган, тушунган-тушунмаган мен блогерман деб раҳбарларни танқид қилаверса, камига «Менинг рақамимни ҳокимингизга беринг, менга қўнғироқ қилсин» деб турса, бу ҳақдини билмаслик эмасми?

Кейинги вақтларда аёлларимизнинг кадрини топтайдиган, раҳбарларни халқ орасида обрўсизлантирадиган, нотўғри талкин қилинган хабарларни тарқатиш урфга кирди. Уларнинг наздида гўё мутасадди идора ходимлари пашша қўриб ўтирибди. Аслида ҳеч бир мурожаат эътиборсиз қолаётгани йўқ. Имкон қадар фуқароларнинг манфаати химоя қилиниб, уларга қонун доирасида ёрдам берилмоқда.

Тўғриси, ҳозирги пандемия ҳаммани толиқтириб қўйди. Ортиқча ҳаракат, ўринсиз гап-сўзлар ҳеч кимга ёқмаётгани ҳам бор гап. Аммо эҳтиёжманд оилаларни қўллаш, оилалар доимий даромад манбаига эга бўлишини таъминлаш бўйича бир қатор хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Шундай вақтда ўзини блогерман деб атовчи ҳамюртларимиз сохта исмлар билан ёлгон хабар тарқатмасдан, карантинда қийналаётган фуқароларга ҳолисона ёрдам қилса яхши бўларди.

**Нигина ШОЕВА,**  
журналист

Пандемия даврида давлатларнинг ихтиёрий мажбуриятлари тўғрисидаги

## ХАЛҚАРО КОДЕКС ҚАНЧАЛИК КЕРАК?

Бугунги глобаллашув шароитида инсоният олдида янги хатарлар юзага келмоқда. Шу боис Марказий Осиё мамлакатлари манфаатлари ҳамда хавфсизлигининг кафолати сифатида минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш масаласи долзарб аҳамият касб этапти.

Жорий йилнинг 23 сентябрида Президентимиз Шавкат Мирзиёев Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош ассамблеясининг 75-сессиясида нутқ сўзлаб, бир қанча масалалар ҳақида тўхталиб ўтди. Жумладан, пандемия даврида давлатларнинг ихтиёрий мажбуриятлари тўғрисидаги халқаро кодексни ишлаб чиқишни таклиф этди ҳамда унда ҳар бир давлатнинг ўз фуқаролари ва халқаро ҳамкорлари олдидаги мажбуриятлари акс эттирилишини таъкидлади.

БМТ Бош ассамблеясининг сессияси тарихда биринчи марта бутунлай янги форматда – коронавирус пандемияси туфайли онлайн мулоқот режимида бўлиб ўтди.

«Бундай глобал фалокат сайёраимизда сўнгги юз йилда кузатилмаган эди. Бу офат бутун инсониятнинг заиф жиҳатларини яққол кўрсатди. Ҳозирги таҳликали ва мураккаб вазият ер юзидagi барча давлатлар ва халқлар ўзaro боғлиқ эканини, ўртамизда мунтазам мулоқот, ишонч ва яқин ҳамкорлик ўта муҳимлигини исботлади. Шу йўлда барчамиз ҳукуматлар, парламентлар ва фуқаролик жамиятларининг ўзарo сайъ-ҳаракатларини бирлаштириш, умумий масъулият тамойилларини мустаҳкамлаш, халқарo шерикликни мувофиқ ҳолда ривожлантириш, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг мақоми ва салоҳиятини ошириш, ваколатларини кенгайтириш лозимлигини чуқур англадик. Мақсадимиз – ҳар бир инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини, саломатлиги ва фаровонлигини таъминлайдиган адолатли глобал тизимни биргаликда яратишдир», – дея таъкидлади Ўзбекистон Президенти.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида пандемия даврида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, озиқ-овқат хавфсизлиги муаммоси каби хатарларга қарши муҳим ташаббусларни илгари сурди.

Мамлакатимиз учун гендер тенглик сиёсати устувор масалага айланган, парламентимизда аёл депутатлар сони икки баробар кўпайгани ҳақида ўз фикрларини баён этди.

Дарҳақиқат, Ўзбекистонда аёлларнинг оила ва жамиятдаги ўрнини мустаҳкамлаш бўйича салмоқли меъёрий-ҳуқуқий база шакллантирилган. Фуқароларнинг тенглиги тамойили Конституцияимизда белгилаб қўйилган. Аёлларни камситишга барҳам бериш дунё мамлакатларини ташвишлантираётган масала сифатида Ўзбекистоннинг ҳам эътиборидан четда қолгани йўқ.

Бундан ташқари, Президентимиз судларнинг мустақиллиги ва қонун устуворлигини таъминлашга йўналтирилган ислохотлар изчил амалга оширилгани ҳақида ҳам тўхталиб ўтди. Мамлакатда коррупцияга қарши кураш янги босқичга кўтарилгани ва мустақил тузилма – Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ташкил этилгани ҳам таъкидлади.

Юртбошимиз маърузасида мамлакатимиз аҳолисининг ярмидан кўпини ёшлар ташкил этиши, ҳар бир йигит-қизнинг жамиятда муносиб ўрин эгаллаши ва ўз салоҳиятини намоён этиши учун шароит яратилаётгани, Ўзбекистонда Ёшлар парламенти, Ёшлар ишлари агентлиги фаолият кўрсатаётгани ҳақида ҳам маълумот берди.

Президентимиз нутқининг якунида пандемия шароитида кескин тус олган муаммоларга алоҳида тўхталиб ўтди. Шу муносабат билан қашшоқликни тугатиш ва камбағалликка қарши курашишни БМТ Бош ассамблеяси навбатдаги сессиясининг асосий мавзularидан бири сифатида белгилаш ҳамда ушбу масалаларга бағишланган глобал саммитини ўтказишни таклиф қилди.

Хулоса қиладиган бўлсак, Президент Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош ассамблеясининг 75-сессиясида сўзлаган нутқи Ўзбекистоннинг бугун долзарб бўлиб турган халқаро масалаларга муносабатини, давлатимизнинг умумэтироф этилган тамойилларга содиқлигини намоён этгани билан аҳамиятлидир.

**Ноила МУСТАФОЕВА,**  
Тошкент давлат юридик университети  
катта ўқитувчиси

Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш органлари инспекторининг фаолиятига тўсқинлик қилганлик учун жавобгарлик белгиланди.

# ПАХТА БАҲОНА МИЛЛИОНЛИК ҲАМ

Яна куз келди. Пахта теримига киришилди. Айни пайтда ўтган мавсумда кузатишган талон-торож билан боғлиқ жиноят тафсилотини сабоқ ўрнида эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз.

– Сирдарёга пахта теримига кетаётганларга 1 млн. сўмдан берилётган экан...

– Жиззахга теримга борадиганларга ҳам... Бекор ҳам юрибмиз. Отланинг, теримга борамиз! Уч-тўрт млн. сўмдан пул ишласак ёмонми?!

– Тўғри айтасиз. Терим пулидан ташқари йўлга чиқилган аввал 1 млн. сўмдан пул ҳам

берилар экан...

Бундай суҳбатлар кўпчилигимизга бегона эмас. Сабаби, машаққат билан етиштирилган ҳосилни йиғиб олиш катта эътибор ва масъулиятни тақозо этади. Куёшли кунларни ганимат билиб, ишсиз кишилар иштиғи, хошишига қараб теримга жалб қилинади.

Албатта, уларга ҳақ тўлаш баробарида қўшимча мукофот ва имтиёзлар тақдим этилади. Чунки рағбат ва эътибор иш унумини оширади. Мингбулоқ тумани аҳоли бандлигига қўмаклашиш маркази директори Сардор Холмирзаев эса ишонч

ва эътиборга муносиб бўлиш ўрнига эгри йўлни танади. У 2019 йил 12 июндан ушбу лавозимга тайинлангач, «Давринг келди, суриб қол» қабилида иш тутди.

2019 йилнинг октябрь ойи. Ҳашарчилар билан бир марталик рағбатлантириш борасида тузилган шартномага мувофиқ Жиззах ва Сирдарёга пахта теримига жалб қилинаётган 140 кишининг ҳар бирига 1 млн. сўмдан пул бериш ўрнига 500 минг сўмдан берди-ю, 71 млн. 500 минг сўмни киссага урди.

Яна 36 киши номига бир марта тўланадиган ҳақ ёзиб,

тўлов қайдномаларини қалбақлаштириб, 36 млн. сўмни ўзлаштирибди.

Маълумки, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 октябрдаги 799-қарориди жамоат ишларига жалб этилганларга ҳақ тўлаш тартиби кўрсатилган. Сардор Холмирзаев бу имкониятни ҳам айни муддао билди. Мингбулоқ туманидаги 8 та маҳаллада аслида жамоат ишларига жалб этилмаган 28 кишини «ишга жалб этилди» тарзида расмийлаштириб, уларга 18 млн. 547 минг 900 сўм иш ҳақи ҳисоблайди. Табиийки, уларнинг имзосини ҳам ўзи қўйиб қўя қолади. Шу усул билан 128 млн. 439 минг сўм пул талон-торож қилинади.

Аммо ҳар ишнинг ҳисоби бор. Ўзгалар ҳаққига қилинган ҳиёнатнинг жавобини бериш фурсати келди. Суд Сардор Холмирзаевнинг қилмишини кўриб чиқиш асосида жиноят оқибатида етказилган зарар тўлиқ қопланганини эътиборга олиб жазо тайинлади. У бир йилу олти ойга раҳбарлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, иш ҳақининг 20 фоизини давлат ҳисобига ушлаб қолган ҳолда шунча муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига тортилди.

**Нодирбек УСМОНОВ,**  
департаментнинг Мингбулоқ тумани бўлими бошлиғи



## ЎҚИШГА КИРИТАМАН ДЕБ...

Рисолат тиббиёт соҳаси бўйича ўқишга кирмоқчилигини айтганида таниши Акрам унга қўлидан келганича ёрдам беришини билдирди.

Суриштирганида бир таниши Акрамга Олтинқўл тумани тиббиёт бирлашмаси қошидаги онлавий поликлиникалардан бирида умумий амалиёт шифокори лавозимида ишлаб келаётган Маъмура Зулуновани тавсия қилди. Бориб учраганларида шифокор она бу хизмат учун 300 АҚШ доллари керак бўлишини, 200 доллари қиз ўқийдиган Пахтабод тумани тиббиёт коллежи маъмуруларига, қолгани бошқа одамларга берилишини билдирди.

Савол тўғрисида: шифокор опанинг бировни ўқишга кириштига ваколати ва маънавий ҳаққи борми ўзи? Йўқ. Юқоридаги ҳаракатларнинг барчаси нафс васвасасидан бошқа нарса эмас.

Пул Маъмура Зулуновага олиб бориб берилди. Бирок у шу кунгича қонун ҳимоячилари томонидан жиноят устида қўлга олинди. Жиноят ишлари бўйича Жалақудук тумани суди мазкур масала юзасидан қонун доирасида ҳукм чиқарди. Унга кўра Маъмура Зулунова қилмиши учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 15 баравари миқдориди жарима жазосига тортилди.

**Сарварбек ҚОДИРОВ,**  
департаментнинг Жалақудук тумани бўлими инспектори

## МОЛЛАРНИНГ ҲАММАСИ ЭМЛАНГАНМИДИ?

Уй ҳайвонларини ўз вақтида эмлаш улар ўртасида турли касалликлар тарқалишининг олдини олишга ёрдам беради. Қолаверса, ҳар бир ҳудуднинг ветеринар дўхтирлари бор. Улар чорва моллари ва бошқа жониворларнинг соғлигини назорат қилиб боради.

Департаментнинг Қашқадарё вилояти бошқармаси ва унинг Дехқонобод тумани бўлими ходимлари мутахассислар иштирокида туман ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлимида текшириш ўтказди. Унда бюджет маблағи ҳисобидан тумандаги

чорва ва бошқа ҳайвонларга бепул қўлланадиган дориларнинг тўғри сарфланиши ўрганилди. Нағижода туманининг Обод, Гумбулоқ ва Бибиқорасоч маҳаллаларидаги ишлар бошқача тус олгани аниқланди.

Маълум бўлишича, юқоридаги уч маҳалланинг ветерина-

рия участкаси мудири Ч.Т. ва бошқалар 186 млн. 847 минг сўмлик дори билан 102 117 та мол, от ва бошқа ҳайвонлар эмлангани ҳақидаги далолатномаларга сохта маълумотлар киритишган. Оқибатда жами 84 млн. 243 минг 400 сўмлик дориларни "туя" қилишган.

Халқимиз «смоқнинг қусмоғи бор» деб бежиз айтмаган. Жиноятчилар қилмишига яраша жазо оладиган бўлди.

**Илҳом ИСЛОМОВ,**  
департаментнинг Қашқадарё вилояти бошқармаси катта инспектори  
**Ҳусниддин АМИРҚУЛОВ,**  
департаментнинг Дехқонобод тумани бўлими бошлиғи





# ОИЛАЛАРГА ҚУВОНЧ ҚАЙТДИ

Кимнинг оиласи тинч бўлса, у жамиятда ўз ўрнини топади, фарзандлари ҳам яхши инсонлар бўлиб улғаяди. Афсуски, бугунги кунда фарзандларини тирик етим қилаётган ота-оналар ҳам йўқ эмас.

Мажбурий ижро бюроси ходимлари ажрашган оталардан алимент ундириш, ажрашиш ёқасида турган оилаларни яраштириш борасида ҳам эътиборга молик ишларни қилмоқда. Жумладан, МИБ Ургут тумани бўлими томонидан фуқаролик ишлари бўйича Тойлоқ туманлараро судининг қарорига асосан Н.Мамасолиевдан фарзандининг моддий таъминоти учун алимент ундириб келинган. Н.Мамасолиев ва Ф.Султонова билан ўтказилган

сухбатлар натижасида улар ўртасидаги келишмовчиликка чек қўйилди ва ушбу оила ярашди. Шунингдек, жанжаллашиб юрган С.Аҳаткулов ва З.Ўрозова ҳам тушунтириш ишлари натижасида ярашиб олди.

Умуман, пандемия эълон қилинган даврда Ургут туманида Мажбурий ижро бюроси ходимларининг ҳаракати билан 122 та оила яраштирилди. Шу муносабат билан алимент ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжатлари бекор қилинди.

Бухоро вилоятида ҳам оилани тиклаш борасидаги тушунтиришлар самара бермоқда. Биргина Когон шаҳрида профиллактик суҳбатлар натижасида бешта оила қайта тикланди.

Ундирувчиларнинг алимент қарзи йўқлиги ва ижро ҳужжатини қайтариш ҳақидаги мурожаатларига асосан ҳужжатлар уларга қайтарилди.

**Раҳмонбек КЕНЖАБОВ,**  
Бош прокуратура ҳузуридаги МИБ бошқарма бош инспектори



Бюронинг Норин тумани бўлими ходимларининг профилактик тадбирлари самара бериб, оилаларга қувонч қайтмоқда. Масалан, Учтепа маҳалласида яшовчи А.Худойбердиев ва С.Худойбердиева арзимас сабаб билан ажрашиб кетган эди. Тўрт фарзанд она қарамоғида қолган, фуқаролик ишлари бўйича Учкўрғон туманлараро судининг қарорига кўра болалар учун отасидан алимент ундириш белгиланган.

А.Худойбердиев алиментни ўз вақтида тўлаб келмаётган эди. Давлат ижроси томонидан бу оилани яраштириш бўйича тушунтириш олиб берилди. Яқинда навбатдаги тарғиботдан сўнг оила яраштирилиб, яқинларига ҳам шодлик улашилди.

Шунингдек, бўлимда З.Шамсиддиновдан Н.Шамсиддиновага ҳар ойлик даромадидан алимент ундириш ҳақидаги ҳужжат мавжуд. Бу оила 2016 йил март ойдан бери бирга яшамайди. 2020 йил 1 сентябрьгача алимент қарзи 27 415 867 сўмга етган.

Ота ва она билан олиб борилган профилактик суҳбат фойда бериб, улар ярашишди. Асосийси, тўрт фарзанд энди ота-она қарамоғида вояга етган бўлди.

**Шерали МАМАРИЗАЕВ,**  
МИБ Норин тумани бўлими бошлиғи

## ОТА-БОЛА КЎРИШТИРИЛДИ

Мажбурий ижро бюроси ҳақида гап кетганда, аксарият фуқаролар ижро ҳужжатлари юзасидан қарзни ундирадиган, тўламаганларнинг мулкани хатлаб, кимосиди савдосига чиқарадиган ташкилотни кўз олдига келтиради.

Аслини олганда эса бюроси 20 дан ортиқ йўналиш бўйича ҳужжатларнинг ижросини таъминлайди. Шулардан бири ота-онани фарзанди билан кўриштиришдир.

Ана шундай ҳужжатлардан бири бюронинг Нишон тумани

бўлимига келиб тушди. Фуқаролик ишлари бўйича Қарши туманлараро судининг 2019 йил 18 октябрдаги ижро варақасига асосан А.Б.нинг 2018 йилда туғилган Мохинур исмли қизи билан ҳар ойнинг иккинчи ва тўртинчи яқшанбасида кўри-

шиб туриши ва унинг тарбиясида иштирок этиши белгиланган. Шунга кўра бу ҳужжатнинг ижроси ўз вақтида таъминлаб келинаётган эди.

Бу орада тарафлар келишиши ва ота қизини куннинг исталган пайтида кўриш имкониятига эга бўлди. Шунга асосан 2020 йилнинг 17 август куни А.Б.нинг аризасига кўра ижро ҳужжати тамомланди.

**Феруз ИНАТОВ,**  
МИБ Нишон тумани бўлими давлат ижроси

## 17 МЛРД. СЎМГА ЯҚИН СОЛИҚ ҚАРЗИ УНДИРИЛДИ

Конимех туман ДСининг 2020 йил июль ва август ойларидаги қарорларига асосан «Қизилқум фосфорит комплекси» МЧЖдан давлатга 15 та ижро ҳужжати бўйича 16 млрд. 898 млн. 500 минг сўмлик солиқ қарзини ундириш тўғрисидаги ҳужжатлар бюронинг Конимех тумани бўлимига август ойида келиб тушди ва ижро иши юритиш тўғрисидаги қарорлар тарафларга юборилди.

Ижро ҳаракатлари давомида корхона ундирадиган қарзлар ҳам ўрганилиб, уларга инкассо топшириғи қўйилди.

Шунингдек, корхонанинг мулки ва даромадларини аниқлаш мақсадида тегишли ташкилотларга сўров юборилиб, унга тегишли бир қанча автотранспортлар борлиги аниқланди.

Ижро жараёнида 10 та автомобилга реализация қилиш мақсадида хатланди ва 17 сентябрда баҳолашиб, сотилиши мумкинлиги ҳақида корхона мутасаддилари огоҳлантирилди.

Қўрилган чоралар натижасида 16 млрд. 898 млн. 500 минг сўм қарз ҳамда 282 млн. 135 минг сўмлик ижро йиғими «Қизилқум фосфорит комплекси» МЧЖдан ундирилди.

**Алишер НУРМУРОВОВ,**  
МИБ Конимех тумани бўлими бошлиғининг ўринбосари

## ОЛАРДА КИРАР ЖОНИМ

Марғилон туманлараро иқтисодий судининг қарорига асосан «Диёр зиё файз» хусусий корхонасидан «Ҳамкорбанк»нинг Фарғона филиалига 618 млн. 754 минг сўм ундириш белгиланган.

Корхона раҳбари нон цехини ташкил этиш учун банкдан кредит олган. Цехни ишга тушириб фойдаланиб ҳам келган. Бироқ «Оларда кирар жоним, берарда чиқар жоним» деганларидай тадбиркор қарзини тўламай юраверди, банкнинг огоҳлантиришларини писанд қилмади.

Суд қарзини қайтариш ҳақида қарор чиқарса ҳам корхона раҳбари давлат ижросининг талабини бажармагач, ижрочи мажбурий ижрога киришиб, гаровга қўйилган цехни хатлади. Шундан кейин қарздор оёғи қуйган товукдай питирлаб қолди. 618 млн. 754 минг сўм қарзини тўлади. Қарздордан бюрога 12 млн. 275 минг сўм ижро йиғими ҳам ундириб олинди. Корхона раҳбарининг маъмурий жавобгарлик масаласи ҳал этилди.

**Абдумалик МУРТАЗАЕВ,**  
МИБ Фарғона вилояти бошқармаси катта инспектори

## АЛИМЕНТ ТЎЛОВИГА БЕФАРҚ БЎЛМАНГ

Фуқаролик ишлари бўйича Андижон туманлараро судининг 2019 йил 11 октябрдаги буйруғига асосан И.Кенжаевдан Х.Кенжаевага фарзандининг таъминоти учун алимент ундириш белгиланган.

Бироқ ота мажбуриятини етарли даражада бажармагани натижасида алиментдан 6 млн. 733 минг сўм қарздорлик вужудга келди. Алимент масаласи анча нозик ҳисобланади.


Мажбурий ижро бюроси ходимлари алимент тўламай юрганларга ҳуқуқий тушунтириш беради, қор қилмаса чора кўради. Қарздор И.Кенжаевнинг иши ҳам маъмурий судда кўриб чиқилиб, 2020 йил 7 сентябрь куни унга нисбатан 15 сутка маъмурий қамоқ чораси қўлланди.

**Ғофуржон АБДУЛЛАЕВ,**  
МИБ Андижон тумани бўлими бошлиғи

Одамларда цирроз ва жигар саратонини келтириб чиқарадиган вирусни топган уч нафар олим физиология ва тиббиёт соҳасида Нобель мукофотиغا сазовор бўлди.

# ОПА-СИНГИЛНИНГ СИРЛИ МЕҲМОНЛАРИ

Дилоромнинг (исм ва фамилиялар ўзгартирилган) турмуш ўртоғи Россияга ишга кетганди. Йил бошида синглиси Инобат ҳам эри билан ғижиллашиб қолиб, икки боласини етаклаб қайтиб келди. Жигарчилик экан, Дилором уларга уйдан жой берди. Аммо бу уйдан кейинчалик бошқа «меҳмон»ларга ҳам жой топилгани ғалати...



**Ж**орий йилнинг 19 апрель куни кечки пайт унга Аваз исмли таниши кўнгирик килди.

– Опа, жой керак, – деди таниши бирдан мақсадга кўчиб. – Биров билан озроқ гурунгимиз бор...

Дилором гурунг нималигини дарҳол англади.

– Йўқ деманг, опа, – деди Аваз. – Хурсанд қиламан.

– Бўпти, – деди аёл ўйланиб ўтирмасдан. – Юз минг сўм берасиз...

Таниши рози бўлди.

Аваз бир жувонни етаклаб келганида Дилором болаларини ухлатиш билан банд эди.

– Меҳмонларга қара, – деб буюрди синглиси Инобатга. – Меҳмонхонага олиб кириб жойлаштири, ювиниш хонасини-

ям кўрсат... Энг аввал юз минг сўм пулини ол...

Меҳмонлар «гурунглашгани» ичкарига киришди. Аваз берган пулни ичкийими орасига беркитган Инобат опаси билан бошқа хонада суҳбатлашиб ўтиришди. Бир пайт эшик тақиллади. Хонага кириб келган ички ишлар идораси ходими, маҳалла раиси ҳамда бир неча фуқаро уйда бегоналар бор-йўқлигини суриштиришди. Бирпасда опа-сингил қўшмачиниғ жirkanч қилмиши фoш бўлди...

Жиноят ишлари бўйича Қарши шаҳар судида Дилором ва Инобат Бердикуловаларнинг қилмиши кўриб чиқилди.

Қайд этилишича, Дилором Бердикулова 1986 йилда туғилган. Маълумоти ўрта, вақтинча

ишсиз. Оилали, вояга етмаган уч фарзанди бор. Қарши шаҳри Шoҳбекат маҳалласида яшайди.

Инобат Бердикулова 1995 йилда туғилган. Маълумоти ўрта-маҳсус, вақтинча ишсиз. Оилали, вояга етмаган икки фарзанди бор. Қарши шаҳри Наҳшаб маҳалласида рўйхатда туриб, опасининг уйида яшаб келган.

Судда гувоҳ сифатида иштирок этган маҳалла раиси Дилоромнинг эри Россияга кетганидан кейин унинг уйига бегоналар серкатнов бўлиб қолганини, қўшнилари кўп марта бундан шикоят қилишганини қайд этди. Маҳалла вакиллари оғохлантиришлари қарамасдан Дилоромнинг уйига «сирли меҳмонлар» келаверган. Буни бошқа гувоҳлар ҳам тас-

диқлади. Хуллас, кўза кунида синди, опа-сингил қўшмачининг эл олдида юзи шувут бўлди.

Суд ҳукмига кўра Дилором Бердикуловага 1 йилу 6 ой озодликни чеклаш жазоси тайинланди. Балки бу опа-сингилларга сабоқ бўлар.

**Жасур ШУКУРОВ,**  
Қашқадарё вилояти  
прокурорининг катта ёрдамчиси

## «УДДАБУРОН» ЖАВОБГАРЛИКДАН ОЗОД БЎЛДИ

Тадбиркорларга давлатимиз томонидан барча шароитлар яратиб берилапти, муаммолари ҳал этилмоқда. Аммо улар орасида ноқонуний ишга қўл ураётганлари ҳам учраб турибди.

**Б**ухоро вилоятининг Жондор туманида давлат рўйхатидан ўтган МЧЖ раҳбари Ҳ.С. ҳам берилган имтиёзлардан самарали фойдаланиш ўрнига нафс куткусига учди. У олиб келиб сотаётган маҳсулотлар юртимиздаги қонун-қоидага кўра фақат шартнома асосида ва нақд пулсиз шаклда сотилиши белгиланган эди. Бундан Ҳ.С. хабардор бўлган. Қолаверса, у маҳсулотни сотишдан тушган нақд пул ўз вақтида банкка топширилиши лозимлигини ҳам яхши биларди. Бироқ топширмаган. Жамиятнинг фаолияти тафтиш қилинганда қорхона хисобрақамидан пул кўчириш йўли билан олинган маҳсулотлар нақд пулга сотилиб, 5 млрд. 948 млн. 412 минг сўм тушум банкка топширилмасдан бошқа мақсадда ишлатилгани аниқланди.

Бундан ташқари Ҳ.С. МЧЖдаги фаолияти давомида жуда кўп миқдордаги солиқларни тўлашдан ҳам бўйин товлаган. Хуусан, у 16 млрд. 909 млн. 410 минг сўмлик товар айланмасини амалга оширган бўлса-да, буни ҳужжатларда 10 млрд. 735 млн. 278 минг сўм қилиб кўрсатган. Оқибатда 567 млн. 787 минг сўмлик солиқларни тўламаган.

Шунингдек, текширишларда Ҳ.С. қонун талабларини бузиб, маҳсус рухсатнома олмасдан 6 млрд. 785 млн. 451 минг сўмлик улгуржи савдо қилгани ҳам аниқланди.

Жиноят кодексининг 66-моддасида ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган шахс, агар айбини бўйинига олган, чин кўнгилдан пушаймон бўлган, жиноятнинг фoш этилишига ёрдам берган ва етказилган зарарни қоплаган бўлса, жавобгарликдан озод қилиниши мумкинлиги кўрсатилган.

Суд Ҳ.С. қилмишига тўлиқ иқролиги ва чин кўнгилдан пушаймонлиги, илгари судланмаганини, оилавий шароитини, унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этганини, етказилган зарарни қоплаганини эътиборга олди ва уни жинoий жавобгарликдан озод қилиб, айбилик масаласини ҳал қилмасдан туриб жинoят ишини тугатишни лозим топди.

**Лазизбек АҲАДОВ,**  
Бухоро вилояти прокуратураси  
бўлим бошлиғи

## ТАДБИРКОРМИ, ФИРИБГАР?

Ҳар кунимиз синовлардан иборат. Улардан ақл билан ўтиш юзимизни ёруғ қилади.

**Р**аҳматилла (исмлар ўзгартирилган) пенсионер. Икки марта фирибгарлик қилиб, жазосини олган. Аммо «ўрганган кўнгил ўртанса қўймас» деб бежиз айтилмаган экан. Раҳматилла буни яна бир бор исботлади.

Бир куни у маҳалла идорасига борди. Маҳалла раиси Аслидиннинг олдига кирди.

– Жазони ўтаб келдим. Энди бирор фойдали иш қилсам дейман, лекин пулим йўқ, – деди.

– Қандай иш қилмоқчисиз, гоянғиз борми? – сўради Аслидин.

– Қалиш цехига қизикаяпман.

– Ҳа, ҳамма нарсга пул керак. Сиз бирорта маблағи бор киши билан шерикчилик қилиб иш бошланг. Яқинда бир аёл келганди. Маҳалламиздан. Озроқ йиққан пули бор экан, қандай иш бошласам бўлади деб маслаҳат сўраб келибди.

Шу пайт маҳалла раисини йўқлаб Малоҳатнинг ўзи келиб қолди.

– Келганингиз яхши бўлди-да. Ҳозир сиз ҳақингизда гапириб тургандим. Бу киши янги иш бошламоқчи экан. Фақат маблағ масаласи қийнаб турган экан.

Аёл қизикиб қолди.

– Тадбиркорлик билан шуғулланмоқчиман. Пул топилса резинни қайта ишлаш ускунаси олиб келиб, қалиш ишлаб чикармоқчиман. Лекин менда бунча маблағ йўқ. Шерик излаб юрирман, – деди Раҳматилла.

– Мен-да шерик, – деди Малоҳат. – Нималар қиламиз, ишни нимадан бошлаймиз?

– Одамлардан эски қалишларни йиғиб, қайта ишлаб янги маҳсулот чикараман. Ускунани Ургутдаги ёки Навоийдаги танишларим орқали топиб келаман. Ускунани келтириб, ўрнатиш харажати 28 млн. сўм бўларкан. Ҳаммасини ҳисоб-китоб қилиб кўрдим...

Раҳматилланинг уринишлари зое кетмади. Қизикиб қолган Малоҳат Раҳматилла билан иш бошлашга қарор қилди. Кўп ўтмай шериклик иши учун 14 млн. сўм пул берди.

– Тез орада ускунани олиб келаман, ишни бошлаймиз, – деб кетган Раҳматилладан анча вақт хабар бўлмади.

«Югур-югурлари кўпдир-да, иш бошлаш осонми?» деб аёл ўзини ўзи овутиб анча вақт ўтказди. Бироқ ускунадан ҳам, шеригидан ҳам дарақ бўлавермагач Малоҳатнинг ўзи Раҳматиллани излаб топди. У эса эрта, индин ёки тез кунда бўлади дейишдан нарига ўтмасди. Кейинчалик аёлнинг кўнгирокларига жавоб ҳам бермай қўйди.

Малоҳат пулини қайтариб олиш учун ИИБга мурожаат қилди.

Турли баҳоналарни рўқач қилиб, аёли сарсон қилиб юрган Раҳматилла олган пулини тўлиқ қайтарди. Суд ҳукми билан базавий ҳисоблаш миқдорининг 60 баравари, яъни 12 млн. 163 минг 800 сўм жарима ҳам тўлади. Озодлиги ҳам 2 йилу 6 ойга чекланди.

**Олмос ҲАМРОЕВ,**  
Пахтачи тумани прокурорининг ёрдамчиси

## МУБОРАКБОД ЭТАМИЗ!

Прокуратура органлари тизимида кўп йиллар хизмат қилиб, юртимизда қонунийликни мустақамлашга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган инсон, прокуратура фахрийси Саидкарим Бурханов табаррук 70 ёшни қарши олмақда.



У прокуратура органлари тизимидаги қарийб 30 йиллик меҳнат фаолияти давомида турли лавозимларда самарали хизмат қилиб, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустақамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш каби касбий вазифаларни бажаришга масъулият билан ёндашди.

Самимийлик ва фидойилик каби фазилатлари билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари орасида хурмат қозонди.

Бугун сафимизга кириб келаётган ёш ҳуқуқшунос ходимлар уни амалий тажрибаси ва касб маҳорати сирларини сидқидилдан ўргатган тажрибали мураббий, меҳрибон устоз сифатида юксак қадрлайди.

Саидкарим Бурхановнинг узоқ йиллик меҳнат фаолияти прокуратура раҳбарияти томонидан муносиб баҳолашиб, бир неча маротаба тақдирланган.

Хурматли Саидкарим Саидқабарович, таваллуд айёмингиз муборак бўлсин! Сизга ва оила аъзоларингизга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, хонадонингизга файзу барака тилаймиз!

30 йил вақт мобайнида прокуратура идораларида самарали фаолият юритган инсон, прокуратура фахрийси Закир Кангилбаев қутлуг 60 ёшни қарши олмақда.



У прокуратурадаги меҳнат фаолияти давомида Тошкент шаҳар прокуратура органларида турли лавозимларда самарали хизмат қилиб, қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустақамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш каби касбий вазифаларни бажаришга масъулият билан ёндашиб, хизмат бурчига содиқлиги билан ҳамкасблари хурматида сазовор бўлди.

Меҳнатсеварлик, ташаббускорлик, самимийлик ва фидойилик каби фазилатлари билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари орасида эътибор қозонди.

Закир Кангилбаевнинг узоқ йиллик меҳнат фаолияти прокуратура раҳбарияти томонидан муносиб баҳолашиб, бир неча маротаба тақдирланган.

Хурматли Закир Джурабекович, таваллуд айёмингиз муборак бўлсин! Сизга ва оила аъзоларингизга мустақам соғлиқ, узоқ умр, оилавий тотувлик, хонадонингизга тинчлик-осойишталик ҳамда фаровонлик тилаймиз!

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси ва Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик маркази

# ЯШИРИН ЦЕХ ВА ТАМАГИР ХОДИМ

Фақат ўз манфаатини эмас, атрофидагиларга ҳам фойдаси тегишини хоҳлаган тадбиркорлар қонун-қоидаларни четлаб ўтишга уринмайди. Уларнинг ишлари юришади. Аммо беш қўл баробар бўлмаганидай, тадбиркорликка қўл уриб, қонунларни менсимамай бойлик орттириш ниятида юрганлар ҳам йўқ эмас.



**Д**остон (исмлар ўзгартирилган) ҳам тадбиркорлик қилиб мой ишлаб чиқармоқчи бўлди. Лекин бирор жойдан рўйхатдан ўтмади. Цехга жой излаб, таниши Гафурнинг 4,5 сотих ери бўш турганини эслади.

Бир куни учрашиб шу жойни сўради. Ер эгаси қаршиллик қилмади. Шундан сўнг Достон ҳеч қандай рухсатсиз қурилиш ишларини бошлаб юборди. Атрофини ўраб олди.

— Электр қорхонасида танишим бор. Ўшанга айтаман, йўқ демайди, — деди Гафур ва Достонни туман электр таъминоти қорхонасида муҳандис бўлиб ишловчи Қодирнинг олдига бошлаб борди.

Қодир ҳисоблагич ўрнатиб, электр тармоғига улаши ҳамда хужжатларини тўғрилаб беришини, хизмат ҳақи эса 1 100 000 сўм бўлишини айтди.

Уч-тўрт кундан кейин Достон билан Гафур айтилган пулни бериш учун қорхонага келишди. Қодир фуқароларга берилиши керак бўлган ҳисоблагичлардан биттасини уларга бериб юборди. Хужжатларни тез орада расмийлаштиришга ваъда берди.

Достон ҳамма нарсани тахт қилгандан кейин Жиззах вилоятидан 14 000 000 сўмга иккита ускуна олиб келиб, цехга ўрнатди. Аввалга Пахтакор туманидан 1380 кг чигит сотиб олди. Икки иш-

чиси ёрдамида чигитдан мой олишни бошлади. Яширин цехнинг илк маҳсулоти 1300 кг кунжара ва 50 кг мой бўлди. Кунжарани сотди, мойни ўзлари ишлатиб юборди. Кейинги боришида Жиззахдан 1270 кг чигит олиб келганди. Достоннинг охирини ўйламай босган қадами шу ергача экан. Унинг ноқонуний ҳаракатлари ошкор бўлди.

ИЖКК департаменти Ургут тумани бўлими ходимлари Достондан 264 кг чигит, 153 кг кунжара, 56 литр мой ҳамда иккита жувоз, жами 16 296 700 сўмлик товарларни олиб, расмийлаштиришди.

Яширин цехнинг фаолиятига нукта қўйилиши билан бир-

га, Қодирнинг тамагирилиги ҳам маълум бўлиб қолди.

Қодир 2 йилга моддий ва мансабдорлик лавозимларида ҳамда электр таъминоти қорхоналарида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этилди. Ҳар ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлатга ушлаб қолган ҳолда 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазосига тортилди.

Достонга ҳар ойлик иш ҳақининг 30 фоизини давлатга ушлаб қолган ҳолда 2 йилу 6 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди.

**Фарҳод ХУДОЙБЕРДИЕВ,** жиноят ишлари бўйича Ургут тумани судининг раиси

# HUQUQ

YURIDIK GAZETA

MUASSIS:

**O'zbekiston  
Respublikasi  
Bosh  
prokuraturasi**

BOSH MUHARRIR:

**Jahongir MAKSUMOV**

TAHRIIR HAYATI:

**Erkin YULDASHEV  
Halim BOLTAYEV  
Sodiqjon NAZAROV  
Hayot SHAMSTUDINOV  
Utkirjon DEXKANOV  
Maqsudali QAMBAROV**

TAHRIIRIYAT  
MANZILI:

Toshkent shahri, Yahyo  
G'ulomov ko'chasi, 66-uy.  
Telefon: 233-98-40,  
Faks: 233-10-53,  
233-64-85



[www.huquq.uz](http://www.huquq.uz)



[info@huquq.uz](mailto:info@huquq.uz)

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqriz qilinmaydi va egalariga qaytarilmaydi. Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin. «HUQUQ» materiallari ko'chirib bosilganda manbaa sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. [t] — tijorat material.

Buyurtma v-4354.  
15 089 nusxada bosildi.  
Oq'oz bichimi A-3, hajmi 3 bosma toboq.  
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terfdi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.

Navbatchi muharrir: G. ALIMOV  
Sahifalovchi: S. BABA JANOV

Gazeta haftaning payshanba  
kuni chiqadi.  
Sotuvda kelishilgan narxda

Nashr ko'rsatkichi 231

Gazeta «O'zbekiston»  
nashriyot matbaa ijodiy uyida  
chop etildi.  
Korxonani manzili: Toshkent shahar,  
Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00.  
Topshirildi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta O'zbekiston Respublikasi  
matbuot va axborot agentligida 2009-yil  
12-oktabrda 0188-raqam bilan  
ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-7617



9 772010 761004

Қозоғистоннинг “SCAT” авиакомпанияси Актау–Урганч–Актау йўналиши бўйича парвозларни амалга оширишга рухсат олди.

8-ОКТАБР 2020-Й.

HUQUQ № 40

(1237)

11



## ШОМУРОДОВ МИЛЛИОНЕРГА АЙЛАНАДИ...

«Женоа» ўзбекистонлик ҳужумчи Элдор Шомуродовни «Ростов»дан трансфер қилганини расман эълон қилди. Битим 2024 йилнинг 30 июнигача амал қилади. Элдорнинг дебют ўйини А сериянинг 4-туридан ўрин олган «Верона» жамоасига қарши ўтказилиши кутилмоқда. У 19 октябрь куни Верона шаҳрида бўлади.

Бу трансфер кучли ҳужумчини қўлга киритган «Женоа», 300 минг еврога олган футболчисини 9 миллионга сотган «Ростов», ўз мақсадини амалга ошира олган Шомуродов ва ушбу трансферларнинг бошида турган «ProSports Management» компанияси учун ҳам фойдали бўлди. Томонларнинг бари ниятига етди.

Тайқидлаш жоизки, Элдор Шомуродовнинг «Женоа»га ўтishi оддий ўзбек футболчисининг ҳам Европадаги кучли чемпионатларда ўйнаш имконияти борлигига яққол исбот бўла олади. Ўз олдига юксак мақсад қўйишга чўчиб турган ёш футболчиларимиз учун Жарқўрғонда туғилган Элдорнинг уйдан 6,5 минг километр олисда жойлашган Италия

жамоасидан таклиф олишидан ёркинроқ ўрناق бўлмаса керак...

Шомуродовнинг фаолиятига назар солсак, фақат ўсишни кўрамиз. Аввал «Машгъл»да ўзини кўрсатган ҳужумчи кейинчалик мамлакатимизнинг энг кучли клубларидан бўлган «Бунёдкор»га, орадан икки йил вақт ўтиб Россия премьер-лигаси вакили «Ростов»га ўтди. Мана энди уни янги синов – Италия чемпионати кутиб турибди. Бу юксалиш фақат меҳнат билан бўлганини тан олишимиз даркор.

Элдор Шомуродов бугунги кунда Ўзбекистоннинг энг киммат футболчиси мақомига эришди. Гарчи трансферларга ихтисослашган «Transfermarkt» портали Элдорнинг нарҳини

6,5 миллион еврога баҳолаган бўлса-да, «Женоа» ростовликларга 7,5 миллион евро тўлади ва яна 1,5 миллион евро бонус берди, бундан ташқари, Элдорнинг кейинги трансферидан 15 фоиз миқдорда улуш ажратишга ваъда қилди.

Маълумотларга қараганда, Элдор Шомуродовнинг йиллик маоши ҳам сезиларли даражада ошган. Аввалига футболчимиз йилига 600-700 минг евро маош олиши айтилган эди. Бироқ хориж сайтларининг хабар тарқатишича, шартнома имзолангач, италияликлар Элдорга йилига бир миллион евро тўлаши маълум бўлди.

Дарвоқе, миллион евролик йиллик маош кўхна китъа футболчи учун у қадар катта пул эмас. Биз эса Элдор Шомуродов тимсолида ўзбек футболчилари ундан ҳам ортиғига лойиқ бўлишини хоҳлаймиз ва шунга умид қиламиз. Қолаверса, «Женоа» жамоаси Шомуродовнинг янада юксалиши учун яна бир поғона бўлиб қолиши тарафдоримиз. Зеро, Элдор бундан ҳам юксак марраларга муносиб.

## «ПАХТАКОР» ЎЗБЕКИСТОНГА ЭНГ КЎП БАЛЛ КЕЛТИРГАН БЎЛАРДИ, АГАР...

Хабарингиз бор, Қатарда марказлашган ҳолда ўтган мусобақада «Пахтакор» чорак финалгача етиб борди. Охириги марта жамоа Чемпионлар лигасида 2010 йилда нимчорак финалга чиқишни удралагани. 2009 йилдан бери эса чорак финалда ўйнаш насиб қилмаган эди. Жорий мавсумда «Пахтакор» ушбу нохуш анъаналарга барҳам берди. Бунгача жамоа 2003, 2004 ва 2009 йилларда мусобақанинг чорак финалида ўйнагани.



2019 йили Чемпионлар лигаси гуруҳ босқичида яхши ўйин кўрсатиб, барча жамоаларга етарлилик қўрсата олишини исботлаган «Пахтакор» бу йил Осиё етакчилари сафига қайтаётганини намойиш қилди.

«Ал-Хилол» билан расман бекор қилинган икки ўйинни ҳисобдан чиқариб ташласак, «Пахтакор» «ОЧЛ-2020»да олти ўйинда майдонга ту-

шиб, тўрт галаба, биттадан дуранг ва мағлубият кайд этди. Рақиб дарвозасига 8 та гол уриб, 4 та гол ўтказиб юборди. Агар ушбу мавсумдаги кўрсаткичлар ҳисобга олинганда, тошкентликлар Ўзбекистонга энг кўп балл келтирган бўларди. «Пахтакор» жами 19 балл тўплагани эришгани. Бироқ ОФК кубоги мусобақаси якунига етмагани сабабли бу йилги баллар ҳисобга олинмайди.

## ЎЙНАШМАГИН АЖАЛ БИЛАН

Британиялик миллионер, «Maximuscle» фитнес компанияси асосчиси Зеф Айзенберг автомобилда қуруқликда тезлик рекордини ўрнатишга уриниш вақтида ҳалок бўлди.

Автоҳалокат Йорк шаҳри яқинидаги Элвингтон аэродромида юз берган. Бу ерда 2006 йилда «Top Gear» кўрсатувининг собик бошловчиси Ричард Хаммонд ҳам аварияга учраган.

Айзенберг «Porsche 911 Turbo S» машинасида Британия рекордини янгилamoқчи бўлган, бироқ бошқарувни эплай олмай қолган.

Воқеа жойига келган тез ёрдам бригадаси 47 ёшли тadbиркорнинг ҳаётини сақлаб қололмаган.



Таъқидланишича, 2016 йилда ҳам Айзенберг шу жойда ҳалок бўлишига бир баҳя қолган. Ўшанда у 370 км/соат тезликда ҳаракатланаётганда фалокатга учраган. Tadbirkor шифокорларнинг хавотирига қарамаздан 2017 йилда яна пойгалаarga қайтган. 2019 йил май ойида Айзенберг «Porsche 911 Turbo» машинасида Уэльсда рекорд тезликка (534 км/соат) эриша олган. У, шунингдек, кумда бир неча жaxon рекордини ўрнатган.

## ЭДИНСОН КАВАНИ – «МЮ» ФУТБОЛЧИСИ

«Манчестер Юнайтед» матбуот хизмати Эдинсон Каванининг эркин агент сифатида жамоага ўтганини хабар қилди.

Олдинроқ Каванининг жамоага ўтиши ва у 7-рақамда ўйнаши маълум қилинган. Уругвайлик ҳужумчи «Манчестер Юнайтед» билан 1+1 кўринишидаги шартномага имзо чекди. Эдинсон Кавани янги клубидаги илк фикрлари билан ўртоқлашди.

«Манчестер Юнайтед» – дунёнинг энг буюк клубларидан бири. Бу ерда бўлиб, клубнинг тарихига кирганимдан гурурланаман. Бўш вақтимда жуда кўп меҳнат қилдим, энди эса ажойиб клубда кучли футболчилар билан рақобатда бўлишни истайман. Фаолиятим давомида мухлислар мени қўллаб-қувватлади, Манчестерда ҳам шундай бўлади. «Олд Траффорд»да мезбон бўлиб ўйнашни интизорлик билан кутаяман. Футбол китобидаги кичик тарихини ёзиш арафасида, демак, бу тарихни кейинчалик яхши хотиралар билан эслашлари учун чин дилдан тер тўқаман. Бош мураббий билан барчасини гаплашиб олдим. Этнимдаги



либос ва логотип эса иштиёқни оширмоқда», – деди Кавани.

«Эдинсон профессионал футболчи. У ҳар доим жамоаси учун хар нарсани қила олади. Унинг клуб ва терма жамоадаги сермахсуллиги қойилмаком. Бундай даражадаги футболчини сафимизга қўшиб олганимиздан хурсандимиз. Ҳозиргача у ўзи ўйнаган дeярли барча клубларда соврин ютган», – деди «Манчестер Юнайтед» бош мураббийи Уле Гуннар Сульшер.

## ҚАЛБЛАРНИ ЛАРЗАГА КЕЛТИРГАН КЕТИШ

«Арсенал» чиқимларни камайтириш мақсадида клубда 35 минг фунт стерлинг маош оладиган кўплаб ишчиларни бўшатиб юборди.

Кизиқ томони шундаки, ишдан кетганлар рўйхатида клубнинг маскоти, 1990-йиллардан буён фаолият юритиб келаётган Гуннерзавр ҳам тушиб қолган. Ушбу маскоти кийиб юрадиган инсон клубнинг ўйинларига борарди ва тўлик ставкада ишламаган.

Бу мавзу ижтимоий тармоқларда кизгин муҳокама қилинмоқда. Мухлислар маскоти кийитариб, унга ўзлари маош тўламоқчи бўлишмоқда. Сўнгги маълумотларга қараганда, Испаниянинг «Севилья» клуби «Арсенал»дан коронавирус пандемияси сабаб кетказилган Гуннерзавр билан битим тўзди.

«Орзулар ҳақиқатан ҳам рўйбга чиқди. Хуш келибсан, Гуннерзавр», – дейилади испан клуби хабарарида.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди